

Farzandlarimizni mustaqil fikrli, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini egallagan, mustahkam hayotiy pozitsiyasiga ega, chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun dolzarb ahamiyatga ega bo'lgan masala hisoblanadi.

Shavkat MIRZIYOYEV



Замонавий мактаб фойдаланишга топширилди

Мактабга е'tибор – келajakка е'tибор



Бугун Учтепа туманидаги 78-мактаб ҳар қачонгидан гавжум. Уқитувчи ва ўқувчилар байрамона кайфиятда. Бундан атиги тўрт ой аввал таъмирталаб аҳволда бўлган таълим масканининг янги ва замонавий қиёфаси кўзни қувнатлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида шу йилнинг 16 июнь куни пойтахтимизнинг Учтепа туманига ташриф буюриб,

ҳудуддаги "Ватан" маҳалласида жойлашган 78-мактабни капитал таъмирлаш бўйича зарур топшириқлар берганди. Утган қисқа вақт мобайнида таълим муассасаси капитал реконструкция қилиниб, янги қиёфа касб этди.

(Давоми 5-бетда.)

ТАРАҚҚИЁТИМИЗДА ЯНГИ ТИЗИМ:

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ, МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал иқтисодий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги тўрт секторнинг барчасида махсус штаб тузилган.

Сектор масъуллари маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб, мавжуд реал вазиятни ҳар томонлама чуқур ўрганмоқда, муаммолар ҳар бир соҳа ва йўналиш бўйича махсус дафтарларга доимий қайд этиб борилмоқда.

Ҳозирга қадар ҳудуддаги мавжуд 70 минг 318 хонадоннинг 50 мингдан ортиғидаги вазият ўрганилди. Бу жараёнда фуқаролардан турли масалаларга оид 8 минг 600 дан зиёд мурожаат бўлди. Уларнинг қарийб 1 минг 400 таси жойида ҳал этилди, 7 мингдан ортиғи ижрога қабул қилинди ва 300 тага яқинини "йўл харитаси" дастурларига киритиш режалаштирилди.

Яқинда бир гуруҳ журналистлар мазкур туманда бўлиб, бу борадаги ишларнинг бориши билан танишди.

Истиқболли лойиҳалар амалда

Давлатимиз раҳбари жорий йил 12 апрель куни Чилонзор туманидаги собиқ "Реле ва автоматика" акциядорлик жамиятига ташриф буюриб, Чилонзор кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишган эди. Айни пайтда мазкур кичик саноат зонаси ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариладиган 19 миллиард 900 миллион сўмлик 10



Qaror va ijro

лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида 635 иш ўрни ташкил этилади.

"Bist pipe" масъулияти чекланган жамияти телекоммуникация кабеллари учун полиэтилен қувурлар ва оптик толалари кабелларни улаш муфталарини ишлаб чиқаради. Бу ерда жорий этилаётган лойиҳа доирасида ҳозирча 28 иш ўрни яратилган. Айни пайтда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Flatnit textile" масъулияти чекланган жамияти турли ёшдаги аҳоли учун мавсумий кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган.

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Кеча Европа тикланиш ва тараққиёт банки Директорлар кенгаши Ўзбекистон учун илк икки лойиҳани бир овоздан тасдиқлаганини Сизга маълум қилишдан гоёта мамнунман. Бу Ўзбекистон ва ЕТБ ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичида муҳим воқеа бўлди. Дарҳақиқат, жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида Сиз билан бўлиб ўтган учрашув ва Ўзбекистон ҳукумати билан Анг-лашув меморандуми имзоланганидан сўнг банкмиз вакиллари тезкорлик билан қатор сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқишга муваффақ бўлгани мени қувонтиради. Ишончим комилки, бу ЕТБнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликдан манфаатдор экани ва банкмиз Сизнинг ташаббусингиз билан амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлашининг ишончли тасдиғидир.

Юқорида зикр этилган икки лойиҳа кичик ва ўрта бизнес, савдони молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Миллий банкига ажратиладиган 100 миллион доллар қийматидаги кредит линияси, шунингдек, мева шарбати ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Агромир» хусусий компаниясига ажратиладиган 10 миллион долларлик заёмдан иборатдир. Ҳар икки лойиҳа Сиз ва ҳукуматингиз билан келишилган устувор йўналишларга тўла мос келади. Ушбу лойиҳалар банк тармоғи, кичик ва ўрта тадбиркорлик, агробизнесни мустаҳкамлаш орқали мамлакат иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади. Ҳозирги вақтда мутахассисларимиз молия, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат тармоқларида, шунингдек, жойлардаги инфратузилмани ривожлантириш бўйича қўллаб-қўшимча сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқмоқда. Биз «Кичик бизнес учун маслаҳатлар» дастурини ҳам ишга туширдик. Ушбу дастур доирасида биринчи лойиҳалар бошлаб юборилган. Бундан ташқари, мамлакатингиз билан ҳамкорлик стратегиясининг дастлабки ишланмаларини яқунлаш арафасидамиз. Стратегия бўйича делегациямиз ЕТБнинг Ўзбекистондаги узоқ истиқболга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини келишиб олиш учун келаси йил бошида ҳукуматингиз вакиллари билан учрашишига умид қиламиз.

Мамлакатингизда амалга оширилаётган ислохотларни тўла қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор билдиришни истардим. Бу ЕТБ биринчи вице-президенти Фил Беннетт ва таваккалчиликлар бўйича вице-президент Бетси Нельсоннинг ноябрь охи бошида Тошкентга бўлажак ташрифи давомида ҳам ўз ифодасини топади. Ушбу ташриф доирасида вакилларимиз ЕТБнинг Тошкентдаги ваколатхонасини расмий равишда очади, ҳукуматингиз вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказиши, шунингдек, 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиёда хавфсизлик ва изчил тараққиёт масалалари бўйича олий даражадаги халқаро конференцияда иштирок этади.

Сўзим охирида Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлигимиз ривожланаётгани учун чуқур миннатдорлик изҳор қиламан. Ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида келаси йил Ўзбекистонга боришга умид қиламан.

Самимий билан,
Сума ЧАКРАБАРТИ,
Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти

Газетани тарқатилганда:

Мудир дарс таҳлил қилса

мактабда таълим сифати ва мазмуни янада тақомиллашади

5-бет

Устозини ҳақоратлаган ўқувчи

бу хатти-ҳаракати қонунга зид эканини билармикан?

7-бет

Янги асрга покланиб кирмадик

8-9-бетлар

Мактаб спорт майдончаси

талабга жавоб берадимми?

15-бет

МАМЛАКАТИМИЗ ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ ИШОНЧЛИ ПОСБОНЛАРИ

Мамлакатимизда 25 октябрь —
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари
ходимлари куни кенг нишонланмоқда



ЎЗА сурати

Тинчлик ва осойишталикни халқимиз қанчалик қадрласа, шу неъматлар туфайли хотиржам ва фаровон ҳаёт кечираётган бўлса, уларни асраш, барқарорликни таъминлаш давлатимизнинг бош мақсадларидандир. Бу йўлда барча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқроқ миқёсдаги "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси"да доим юқори ўринни (2017 йил 2-ўрин) забт этиб келаётди.

Бунда мамлакатимиз ички ишлар органлари тизими замон талаблари даражасида такомиллаштирилётгани ҳамда соҳа ходимларининг ўз зиммасига юкланган вазифаларни фидойилик билан бажараётгани алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройида 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда бу алоҳида таъкидланди.

Ички ишлар вазири П.Бобожинов ва бошқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ички ишлар тизими фаолияти самодорлигини ошириш, уни замонавий босқичга кўтаришга қаратилган амалий ишлар рўёбга чиқарилаётганини таъкидлади.

Профилактика, тезкор-қидирув, тергов, йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, қўриқлаш, патруль-пост хизматлари, алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари қайта ташкил этилди.

Ички ишлар идораларининг моддий-техник базаси тубдан мустаҳкамланди. Соҳа ходимлари жаҳон андозларига мос алоқа, техника ва замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланди. Тизимни нафақат жисмонан, балки маънан етук кадрлар билан тўлдиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бос Ички ишлар вазирлиги академияси, Ҳарбий-техника институти, Ёнғин хавфсизлиги институтига ҳар томонлама етук ёшлар ўқишга қабул қилинмоқда ва улар замонавий таълим стандартлари асосида тарбияланмоқда.

Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкор-

лиги янада мустаҳкамланди. Пайшанба — профилактика куни сифатида белгилангани бу ҳамкорликни янги босқичга кўтариб, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий самара бераётди. Жорий йилнинг ўтган даврида 1 минг 355 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани шунинг натижасидир.

Ички ишлар идоралари шахсий таркибининг нафақат касб маҳорати, балки маънавий-маърифий, сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий билимини ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг хизматини рағбатлантириш борасида олиб бораётган ишлар соҳадаги ютуқларни кўпайтирмоқда. Шу пайтга қадар 1 минг 500 дан ортқ профилактика инспектори хизмат уйи ва имтиёзли автотранспорт воситаси билан таъминланди.

Эл-юртимиз осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб ички ишлар органлари ходимларининг фидокорона хизмати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги фармон бунинг яққол тасдиғидир.

Тадбирда бир гуруҳ ички ишлар ходимларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

— Касб байрамимиз муносабати билан ҳамкасбларимизнинг юксак давлат мукофотлари билан тақдирлангани соҳамизга бўлган юксак эътибор ва ишонч фидосидир, — дейди «Жасорат» медали соҳибни, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ички ишлар бошқармаси профилактика бўйича катта инспектори Фаррух Рўзиёв. — Ана шу ишончни оқлаш, халқимиз тинчлиги, мамлакатимиз осойишталиги йўлида фидойилик билан меҳнат қиламиз.

Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа ходимлари ва фаришлари иштирок этган тадбирга санъаткорларнинг концерт дастури байрамона руҳ бағишлади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОНГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Американин «Real Clear World» оммабон нашрида чоп этилган «Corsair LLC» консалтинг компанияси бошқарувчи директори Жеймс Дурсонинг «Ўзбекистон янги марраларни кўзламоқда» номли мақоласи мамлакатимиз ахборот маконида ва экспертлари ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу мақолада Ўзбекистон Президентининг давлат ва жамият ҳаётининг барча жаҳдаларини ислоҳ қилиш жараёнига тизимли ёндашувни очиб берилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг ривожланиши таҳлил қилинган.

Муаллифнинг қайд этишича, Ўзбекистонда эркин конвертациянинг жадвал суръатлар билан жорий қилингани дунёнинг кўплаб молиячиларини ҳайратга солган. Бу ислохотлар қисқа вақтда амалга оширилганига қарамай, мамлакат раҳбарияти томонидан мазкур қарор натижасида юз бериши мумкин бўлган ижтимоий асоратлар ҳисобга олинган. Шу ўринда «Етти ўлчаб, бир кес» деган мақол беихтиёр ёдга тушади. Ўзбекистон Президенти валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича қарорни айна шу тамойилга асосланиб қабул қилди.

Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш, ишбилармонлик ва сармоявий муҳитни яхшилаш, хорижий инвестицияларни жалб қилишга тўсиқ бўлган муаммо ва камчиликлар чуқур ўрганилди.

Ушбу таҳлил асосида валютани тартибга солиш жараёнига ортқча маъмурий аралашувлар, ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда иқтисодийнинг алоҳида тармоқлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар учун имтиёз ва преференциялар беришдаги мавжуд камчиликларга тизимли баҳо берилган. Зеро, бу камчиликлар тадбиркорлик субъектлари учун тенг бўлмаган бизнес шароитлари ҳамда хориж валютаси ва айирбошлаш курсининг параллел бозори юзага келишига сабаб бўлган эди.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг яқин истиқболда аҳолининг эҳтиёжманд қатламига таъсирини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам ўйланган. Ушбу йўналишда манзилли ва шаффоф ижтимоий нафақа ва субсидияларни жорий қилиш, касаначиликка кенг жалб этиш орқали аҳоли бандлигини ошириш, томорқадан самарали фойдаланиш, шунингдек, имтиёзли микрокредитлар тақдим этиш воситасида кам таъминланган оилалар турмуш шароитини яхшилаш ҳам кўзда тутилган.

Мазкур ислохотлар мамлакатимизнинг сармоявий жозибadorлигини ошириш, ўз банк ҳисобрақамидидаги валюта маблағларини эркин тасарруф этиш учун шароит яратиш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни экспорт фаолиятига янада кенг жалб қилишга рағбатлантириш каби мақсадларга йўналтирилган. Бунда давлат томонидан валюта бозорини янада эркинлаштириш билан боғлиқ барча ижтимоий таваккалчиликлар ҳисобга олинган.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган янги сиёсатда ягона аниқ тенденция намойён бўлмоқда. Бу ички тараққиёт учун янада кўпайташқи шароитлар яратишга интилишидир.

Америкалик эксперт Жеймс Дурсон Ўзбекистон раҳбари қўшни мамлакатлар, узоқ ва яқин хориж давлатлари, жумладан, Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа

мамлакатлар билан ҳамкорликни фаол ривожлантираётганини қайд этади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг сентябрь ойида БМТ юксак минбаридан туриб «Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига ўстувор аҳамият қаратмоқда» деган фикрлари халқроқ экспертлар эътиборини жалб қилаётгани шубҳасиз. Бу амалиётда ўз исботини топмоқда — Шавкат Мирзиёевнинг Президент сифатидаги хорижга илк сафари Туркманистонга бўлгани чуқур рамзий маънога эга. Ўзбекистон раҳбари Қозоғистонга бир неча бор ташриф буюрди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида давлат чегаралари тўғрисида битим имзоланди. Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Бишкек шаҳрига қилган сафари натижасида Фарғона водийсида назорат ўтказиш пунктлари иши қайта тикланди ва икки мамлакат ўртасида аҳоли қатнови енгиллаштирилди.

Америкалик эксперт Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий ҳамкорлиги ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш соҳасида ўзаро манфаатдор эканига эътибор қаратди. Табиийки, Ўзбекистонда иқтисодий либераллашув жараёнида сармояларга эҳтиёж сезилади. Бу йўналишда мамлакат Россия билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Шу жиҳатдан Ўзбекистон раҳбарининг Россияга давлат ташрифи яқунлари муҳим аҳамият касб этади. Россия 12 миллиард доллар инвестиция йўналтирадиган бўлди ва 3,8 миллиард долларлик савдо битимларини имзолади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик суръати ҳам эътиборга лойиқ. Пекининг қўшма лойиҳалар доирасидаги молиявий маблағлари ҳажми 20 миллиард долларга тенг. Бу инвестицион лойиҳалар XV-XVI асрлардаги буюк географик кашфиётлардан олдинги даврда бўлгани каби Ўзбекистоннинг асосий савдо йўллари чорраҳаси сифатида шаклланишига хизмат қиладди.

Бу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Нью-Йорк шаҳрига ташрифи чоғида эришилган келишувларни ҳам эслаб ўтиш мумкин. Валюта сиёсатини либераллаштириш самарасида Ўзбекистон ва Америка компаниялари ўртасида умумий қиймати 2,6 миллиард долларга тенг битимлар имзоланди.

Мамлакатимиз ички ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистоннинг очик ва барқарор ташқи сиёсати мамлакатни ривожлантириш истиқболларига ишонч янада мустаҳкамланишига замин яратмоқда. Бунинг исботини ривожланган мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қўйган ишончли қадамлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сухроб ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақаларо
тадқиқотлар институти
бўлим бошлиғи.
ЎЗА

2017-yil 25-oktabr, № 85 (9046)

ТАРАҚҚИЁТИМИЗДА ЯНГИ ТИЗИМ:

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ, МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Корхона Хитой ва Туркиядан келтирилган замонавий тўқув дастгоҳлари, зарур ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бу ерда 15 киши меҳнат қилмоқда.

— Маҳсулотларимиз 100 фоиз пахта хомашёсидан тўқилади. Шу боис ўз харидорларини топмоқда, — дейди корхона директори ўринбосари Азиз Мачин. — Келажақда ишлаб чиқариш қувватини ошириб, маҳсулотларимиз турини кўпайтирамиз. Айни кунларда экспортга йўналтириш борасида ишлар олиб борилапти. Бу яна кўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Корхона ишчилари асосан коллеж битирувчилари. Бу йил коллежни тамомлаган Яшнарой Раҳимова ҳам улар сафида.

— Иш бошлаганимга 2 ҳафта бўлди. Жамоамиз аҳил, иш шароитимиз яхши, — дейди у. — Ҳозирча 600 минг сўм ойлик, 120 минг сўм йўлқира белгилади. Тушлик ҳам ишхона ҳисобидан. Бу ерда иш ўрганиб, малака ошираётганимдан ота-онам ҳам, ўзим ҳам хурсандимиз.

Давлатимиз раҳбарининг Чилонзор туманига ташири чогда тақдим этилган лойиҳалардан яна бири "East-West Invest" қўшма корхонаси фаолиятига доир эди. Корхонада 75 кишилик меҳнат жамоаси АҚШ ва Европа мамлакатларидан келтирилган энг илгор технологиялар ёлдамда кунига 5 тоннагача ноҳ қоқилари ва картошка чипслари ишлаб чиқаради.

— Ҳозир маҳсулотимизни Тожикистонга экспорт қила бошладик, яқинда Қозоғистон ва Қирғизистон бозорларига ҳам киримиз, — дейди мазкур корхона директори Музаффар Солижонов. — Келгусида болалар учун сутли но-нушталар тайёрлашни режалаштирганмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Режамиз амалга ошса, яна қўшимча 50 иш ўрни яратамиз.

Бундан ташқари, Чилонзор туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида санаят ва хизмат кўрсатиш соҳасида 679 миллиард 300 миллион сўмлик 201 лойиҳа ишлаб чиқилган. Улар асосида 4 минг 500 га яқин иш ўрни яратилади. Дастур доирасида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларига 100 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 1 минг 300 дан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

1-сектор. Аҳоли розилиги йўлида

Сектор штабида иш қизгин. Ишчи гуруҳ аъзолари хонадонларга бориб, уларнинг муаммоларини ўрганиш жараёнида 3 минг 500 дан зиёд муурожаат бўлган.

Бу муурожаатлар қай тарзда ҳал этилмоқда?

— Президентимиз таъкидлаганидек, асосий мақсадимиз — халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат, — дейди Чилонзор тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Даврон Ҳидоятлов. — Бугун ҳудудларда ишларни ташкил этишнинг мутлақо янги тизими шаклланаётгани бу борада катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу орқали биз ҳар бир фуқаро билан бевосита мулоқотга киришяпмиз, мавжуд муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал қилиш мақсадида ҳал қилишга бел боғланамиз.

Сектор фаолиятини бошлаган вақтдан буюн муурожаатларга асосан бир неча кўп қаватли уй ҳовлиларида болалар ўйин майдончалари қурилмоқда. Хайрбод кўчасидаги электр тармоқлари ва тунги ёритувчи чиқроқлар таъмирланган, 2-гуруҳ ноғирони Тоир Суннатиллаевга ноғиронлик аравачаси топширилган, 2-гуруҳ ноғирони Абдуманноп Қўчқоровнинг аёлига тикув машинаси совға қилинган, Наҳежда Дубровнаянинг кўзини операция қилишга ҳоимийлик ёрдами кўрсатилган, Дилноза Рўзиевага дори-дармон воситалари олиб берилган, Фарида Қорахоновага фарзанднинг тулов-шартнома пулини тўлаш учун кредит олишда МФЙ қафиллик тақдим этган, бир неча фуқаро ишга жойлашган...

"Кизил Шарқ" МФЙда бўлганимизда яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи бўлдик. Бир гуруҳ кексалар секторга санаторияга йўлланма сўраб муурожаат қилган экан. Туман тиббиёт биришмаси мазкур маҳалладаги 6 пенсияерга "Нуроний" санаториясига текин йўлланма олиб берган. Улар даволаниб, соғлиқларини тиклаб қайтишибди, қувончлари чексиз.

Ҳудудда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, Тирсақобод ва Бешқўрғон маҳаллаларида аҳоли журналистлар ва сектор вакиллари аурофида жам бўлди. Улар маҳалла ҳудудида мактабгача таълим муассасаси йўқлиги, икки маҳалла наридаги МТМда эса болалар сони меъёрдан ошиб кетгани, фарзандларини жойлаштириш учун оилаб навбат кутишга тўғри келаётганини, бундан ташқари, автомобиллар серкатнов кўчадан ўтишда пилдалар ўтиш йўлақлари йўқлиги сабабли қийинчилик туғилаётганини айтишди.

Бу ҳолга сектор мутасаддиларидан изоҳ сўрадик. Маълум бўлишича, бундан олдинроқ сектор вакиллари мазкур маҳаллаларда бўлиб, мавжуд муаммоларни "темир дафтар"ларга қайд этишган. Айни пайтда аҳолининг МТМ куриш бўйича муурожаати "йўл харитаси"га киритилган.

— "Тирсақобод" МФЙда ҳарбийлар шаҳарчаси жойлашган бўлиб, бу ерда фаолият юритмаётган МТМ бор, — деди Чилонзор тумани халқ таълими бўлими мудир Шайхон Сиддиққўжаева. — Мазкур муассаса ҳозирги кунда туман халқ таълими бўлими тасарруфига ўтказиб берилган. Мазкур МТМ аҳоли муурожаатлари ўрганилиши натижасида Чилонзор туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган ва 2019 йилда тудбан қайта қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

2-сектор. Оналар қалбиди тилақлар

Мақтуба Мирсоатова 38 йил Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига ишлаган. Психология фанлари номзоди. Опа 15 йилдан бери қандли диабет касаллиги билан курашади. Кўп қаватли уйда яшайди. Аравачасиз ҳаракатлана олмайди. Айни пайтда аёлда бошқа хасталиқлар ҳам кузатилмоқда. Сектор томонидан бу аёл ноғиронлик аравачаси билан таъминланди. Анчадан буюн унинг тиббий-меҳнат эксперт комиссиясига 1-гуруҳ ноғиронлигини белгилаш бўйича қилган муурожаати эътиборсиз қолдирилган эди. Энди бу масала ҳам ўз ечимини топди.

— Эзгулик йўлида меҳнат қилаётган, одамларга яхшилик улашаётганлар омон бўлсин, — дейди онахон. — Шу пайтгача ўғилларим ҳовлига кўтариб олиб чиқарди. Бир жойда ўтириб қўнғил чигалини ёзардим. Мана энди маҳалладаги катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўляпман. Яратганга шукр, юртимизга кўза теғмасин.

Туман прокурори Абдухамид Комилов раҳбарлик қилаётган 2-сектор ҳудудда 11 маҳалла жойлашган. Хонадонлар ўрганилиш жараёнида 1000 дан зиёд муурожаат келиб тушган. Уларнинг 137 таси сектор ишчи гуруҳи томонидан жойида ҳал этилган, 875 таси туман миқёсида ечимини топмоқда, 47 муаммо эса "йўл харитаси"га киритилиши кўзда тутилган. Тумандаги 3-мавзе ҳудудидан оқиб ўтаётган анҳор бўйини ободонлаштириш, кўприкни ва ички йўлларни таъмирлаш каби масалалар айни пайтда "йўл харитаси"дан ўрин олган.

— Мазкур анҳор ҳудуди 2018 йилги таъмирлаш режамизга кирган. Ҳозиргача анҳор қирғоғининг айрим жойлари тозаланган, — дейди Тошкент шаҳар каналларни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси бўлим бошлиғи Абдуразақ Файзиев. — Келгусида эса анҳор аурофида аҳоли учун сайр йўлақлари, ўриндиклар қурилиши кўзда тутилган. Бу ердаги кўприк замонавий қўрилишда, мустаҳкам қилиб қайта бунёд этилади.

Сектор ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир муурожаатни ўрганиб, мавжуд камчилик-

ларни бартараф этишга астойдил киришган. Натижа ҳам шунга яраша.

— Асосий мақсадимиз — аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, — дейди Чилонзор туман прокурори, 2-сектор раҳбари А.Комилов. — Бу йўлда эришган натижаларимиз бизга куч бағишлайди, ўз навбатида масъулият ҳам юклайди. Шунга монанд келгусида фаолиятимизни янада мақсадли йўналтириб, ҳудудимизни ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Сектор ҳудудда истикомат қилувчи Амал Яҳибуллоева кўрак саратони касаллигиндан фориғ бўлишда, болалигиндан ноғирон 20 ёшли Умиджонга таълим олишда, кам таъминланган фуқаро Наталья Кузубованинг фарзандини мактабгача таълим муассасасига жойлаштиришда, навбатдан ташқари моддий ёрдам берилишида кўмаклашди. Бундай мисоллар айни яна давом этириш мумкин.

Дарвоқе, ҳудуддаги 10-уй, 48-хонадонда яшовчи Любовь Шоголёванинг кунончи чексиз. Бахтсиз ҳодиса туфайли доимий тўшақда ётишга мажбур ўғлига яқинда тиббий крават берилди. Онахон бизни уйига таклиф қилди.

— Фарзанд ширин, унинг касаллиқдан азоб чекаётганини кўриб туриш эса қанчалар оғир эканини мен яхши ҳис қиламан, — дейди Л.Шоголёва. — Президентимизга минг раҳмат. Одамлар дарду ташвиши билан яшамоқда. Секторимиз вакиллари, маҳалламиз фаоллари дардимизни тушуниб, бизга ёрдам қилди. Ўғлимнинг ҳам, ўзимнинг ҳам кўнглимиз тоғдек юксалди...

3-сектор. Дахлдорлик ҳисси ортса...

Мазкур ҳудудда аҳолини ташвишга солиб келаётган муаммолар талай. "Нафосат" МФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уйлар орасида жойлашган эски бино авария ҳолатида. Атроф жуда аянчли манзара касб этган. Ички йўллар, айрим кўп қаватли уйларнинг кириш йўлақлари ва томлари таъмирталаб, ишсизлик муаммоси...

Аҳоли билан мулоқотлар чоғида 2 минг 500 дан зиёд муурожаат келиб тушган. Уларнинг мазмунини ҳам асосан шу муаммоларга дахлдор. Муурожаатларнинг 530 га яқини жойида ҳал этилган, 179 таси "йўл харитаси"га киритилиши режалаштирилган. Хусусан, "Нафосат" МФЙ ҳудудида жойлашган авария ҳолатида фойдаланилмай турган бино, 8-мавзеддаги ички йўлларни таъмирлаш каби масалалар мазкур харитадан ўрин олган.

— Аҳоли муурожаатлари асосида 45-ва 46-кўп қаватли уйлар ҳовлисида болалар ўйин майдончалари қуриб берилди, замонавий автотураргоҳ фойдаланишга топширилди, — дейди туман ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари Шавкат Мавлонов. — Қолаверса, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар таълим-тарбиясига эътибор бериш, оилаларда хотиржамлик муҳитини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Албатта, бундан аҳолимиз мамнун. Олдимиздаги яна бир муҳим вазифа — мазкур янги қурилмалардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, атрофини озода сақлаш. Афсуски, баъзи фуқароларимиз эҳтиётсизлиги, қўпол ҳаракатлари туфайли ўйин майдончаларидаги айрим қурилмаларга шикаст етмоқда, уйлар аурофида ахлат ташлаб кетиш каби ҳолатлар учраб турибди. Бунинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида маҳалла фаоллари ёрдамида тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз.

Сектор фаолияти давомида, шунингдек, 49-уй, 38-хонадонда яшовчи Қаҳрамон Очилов туман ободонлаштириш бўлимига ишга жойлаштирилди, муурожаатлар асосида 8-уй олдидаги ноқонуний қурилган гаражлар олиб ташланди, кўп қаватли уйлар кириш йўлақлари, томларини таъмирлаш ишлари давом этмоқда... Хуллас, амалга оширилган ишлар билан бирга ҳали ечимини кутаётган, ҳал этилиши, ўрганилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд.

4-сектор. Янгича ёндашув.

Тадбиркорларга кенг йўл

Мазкур сектор ҳудуди 5 округга бўлинган. 14 маҳалла жойлашган. Хонадонларни ўрганиш жараёнида келиб тушган 1 минг 500 дан ортиқ муурожаатнинг 300 га яқини жойида ҳал этилган. Қозиробод кўчасидаги 4-кўп қаватли уйни таъмирлаш, Нақшошлик ва Гавҳар маҳаллаларида мактабгача таълим муассасаларини қуриш каби дастурли ишлар «йўл харитаси»га киритилган.

— Секторлар фаолияти барчамизни масъулиятни ҳис қилиб, янгича ишлашга ундамоқда, — дейди Чилонзор туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Аловуддин Иноғомов. — Туман тўрт сектори ўртасидаги ўзаро соғлом рақобат муҳити ҳудудимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга хизмат қилмоқда. Аҳоли билан бевосита мулоқотларда аён бўлмоқдаки, ҳали олдимизда ечимини кутиб турган масалалар талайгина. Бу йўлда ҳамжиҳатликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз керак бўлади.

Ҳудудда мавжуд муаммоларни вазиятларини ҳал этишда, аҳоли турмуш шароитини янада юксалтиришда тадбиркорлар фаолиятига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунда, албатта, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларга мавжуд имкониятлардан умумий фойдаланишда ёрдам бериш муҳим аҳамият касб этади.

«Зарқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинига борганимизда янги маҳалла гузари қурилиши устидан чиқдик. Маълум бўлишича, мазкур қурилишни хусусий тадбиркор Акмал Бобоев ўз маблағи ҳисобидан амалга оширмоқда.

— Бир неча йиллардан буюн хусусий клиника қуриш ниятида эдим. Бунинг учун ер олиш муаммо бўлиб келаётгани, — дейди А.Бобоев. — Яқинда секторимиз масъулари билан учрашувда шу режамини айтдим ва ер ажратилди ёрдам сўраб муурожаат қилдим. Уларнинг 2 қаватли бино қуриш, 1-қаватда маҳалла гузари жойлаштириш, 2-қаватда эса клиника бўлиши ҳақидаги таклифи менга маъқул бўлди. Тез фурсатда менга ер майдон ажратиб берилди. Қўриб турганингиздек, қурилиш ишларини бошлаб юбордик. Ўз маҳалламга фойдам тегаятганидан хурсандман.

Лойиҳага кўра, янги маҳалла гузариди маҳалла идораси, участка нозир учун хона, кутубхона, сартарошхона, новвойхона ҳамда чойхона жойлашади.

Шу кунги сектор масъуллари журналистлар билан ҳамроҳликда 2-Қатартол маҳалласида яшовчи 1-гуруҳ ноғирони Расулжон Йўлдошев ва Яккатут маҳалласида истикомат қилаётган 70 ёшли 2-гуруҳ ноғирони Қутибиче Кубалиновага ноғиронлик аравачаларини топширди. Уларнинг қувончига шерик бўлдик...

Президентимиз раҳнамолигида халқимиз турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар, ютуқлар салмоқли. Шу билан бирга ҳали олдимизда барчамиздан фойдалилик ва жонбозлик талаб этадиган, ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам мавжуд. Энг муҳими, юқорида биз Чилонзор тумани мисолида таҳлил қилган ҳудудларимизни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, халқ билан мулоқот қилиш, долзарб масалаларга ечим топиш, чектириб бўлмайдиган ҳамда истиқболли вазифаларни амалга оширишда ҳокимлик ва тармоқларини бошқаруш органлари куч ва ҳаракатининг яхлит тизимга биришланидир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқимизнинг розилиги — барча ютуқ ва марраларимизнинг асосий манбаидир.

Улуғбек АСРОПОВ,
Ўза шарҳловчиси

Yangiliklarda yurt nafasi



«Ўзбекино» миллий агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан Ўзбек тили ва миллий кинонинг долзарб масалаларига бағишланган конференция ташкил этилди.

Айни пайтда хусусий студияларда тасвирга олинаётган айрим фильмларда Ўзбек адабий тилининг меъёрлари қўпол тарзда бузилаётгани, муаллифларнинг Ўзбек тили, халқимиз тарихи, маънавиятини, миллий менталитетини чуқур ҳис этмаслиги томошабинларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Анжуман иштирокчиларининг фикрича, кинофильмлардаги тилга оид ғализликларни бартафоз этишда режиссёрларнинг муҳаррирлар, адабий маслаҳатчилар, танкиди ёзувчилар билан узвий иш олиб бориши, «устоз-шогирд» аъёнларини сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда соҳадаги камчиликларни бартафоз этишда, бадий муқаммал кино асарларини яратишда кино ижодкорларининг ўзаро яқдиллиги, ҳамжихатлиги, биргаликда иш олиб бориши кутилган ижобий натижалар бериши таъкидланди.

Конференцияда билдирилган фикр ва мулоҳазалар юзасидан истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Мамлакатимизда Зулфия номидаги Давлат мукофоти номуздор танловининг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилмоқда.

Андижон вилояти Хўжабод тумани босқичида 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган 77 нафар истеъдодли қиз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўналишларида билими ва салоҳиятини намойиш этди.

— Танловда қатнашиш истагини билдирган қизлар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда, — дейди Хўжабод тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳидил Абдуллаева. — Улар орасида чекка қишлоқлардан ҳам истеъдодлар кўплиги янада қувонарлиқдир.

Ҳар бир йўналиш бўйича энг яхши натижага эришган иштирокчи вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритди.

— Бугун билим ва маҳоратимни яна бир бор синовдан ўтказдим, — дейди танловнинг адабиёт йўналиши ғолиби, Хўжабод педагогика институтининг коллежи ўқувчиси Сарвон Султонова. — Ижодий ишларим, эришган натижаларим ҳакамлар томонидан юқори баҳоланганидан хурсандман.

Бухорода «Бухоро шаҳри кўни» фестивали бўлиб ўтди.

Фестиваль доирасида марафон, савдо ярмаркалари, миллий таомлар кўрик-танлови ва бошқа турли танловлар, кўргазма, илмий-амалий конференция ва гала-концерт ташкил этилди.

Фестивалда мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди.

Фестиваль доирасида ўтказилган кураш мусобақасида 100 дан зиёд палов 8 вазн тоифасида гиламга тушган бўлса, 10 дан ортиқ ошпаз бухороча ва андижонча палов тайёрлаб, меҳмонларга тақдим этди.

— Бир гуруҳ сайёҳлар қатори мени ҳам ошга тақлиф қилишди, — дейди россиялик сайёҳ Елена Тянева. — Палов жуда зўр экан, айниқса, қандай зираворлар ишлатилган билмадим, лекин бунақасини бошқа ҳеч қаерда тайёрлашолмайди. Ҳиди димоғингиздан кетмайди.

Тадбир доирасида вилоят мусиқали драма театрида «Кўҳна ва боқий Бухоро» мавзусида илмий-амалий анжуман ҳам ўтказилди. Унда тарихчи ва этнограф олимлар қадим шаҳар ўтмиши, аъёнларини ҳақида сўз юритиш баробарида, Бухорога сайёҳларни жалб этишга қаратилган лойиҳалар хусусида фикр алмашди.

Бухоро вилоятида айни пайтда 120 дан зиёд меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Фестивалда сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини тарғиб қилишга қаратилган «Энг яхши меҳмонхона», «Энг яхши тур-фирма» кўрик-танлови ҳам ўтказилди.

Паркент туманидаги 29-болалар мусиқа ва санъат мактабида «Инновацион го'ялар — таракқиёт гарови» деб номланган кўргазма ўтказилди.

Кўргазмада тумандаги касб-ҳунар коллежларининг 20 дан ортиқ ўқувчиси томонидан либослар дизайни, архитектура, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва хунармандчилик соҳаларини ривожлантириш бўйича тайёрланган лойиҳалар намойиш этилди.

— Худудларда ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда бу каби тадбирларни кўпроқ ўтказиб, уларнинг қизиқишини ўрганиш зарур, — дейди партия вилоят кенгаши раиси У.Шоумаров. — Ёшларнинг ижтимоий фаолиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириш, инновацион лойиҳаларини хусусий секторга кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Кўргазмада Паркент тумани транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг архитектура ва бино қурилиши бўйича тайёрланган лойиҳалари энг яхши деб топилди. Тумандаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчилари томонидан тикланган миллий либослар барчада катта таассурот қолдирди.

Фаол иштирок этган ёшларга ташкилотчиларнинг faxрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Янги ихтисослаштирилган мактабда кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабда кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди. Имтиҳон натижаларига кўра, мазкур мактабнинг илк ўқувчилари саралаб олинади.

Қабул комиссияси аъзоси, Тошкентдаги Инҳа университети ректори С.Бобоўжаевнинг айтишича, ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланаётгани нафақат ахборот технологиялари мутахассислари касб маҳоратини оширишни талаб этади, балки янги касблар пайдо бўлишига ҳам олиб келади. Натижада АКТ-лойиҳалар менежери, тизим маъмури, веб-дизайнер, 3D-модделлари дизайнери, дастурий таъминоти синиш буюмча мутахассис, ахборот тизимлари конструктори каби мутахассислар нуфузи ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-

нинг 2017 йил 14 сентябрдаги «Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган мактабда АКТ мутахассисларининг ёш авлоди таълим-тарбия олади. Янги ўқув даргоҳи қобилияти ёшларни топиш ва уларга ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиларига математика, физика, информатика ва чет тиллари чуқурлаштирилган ҳолда

ўқитилади, улар дастурлаш, маълумотлар базасини тузиш кўникмасини ўзлаштиради ва ахборот хавфсизлиги бўйича болангич билимларни эгаллайди. Мактаб синф хоналари ва аудиториялари энг замонавий техника ва ускуналар билан жиҳозланади, бу эса машғулотлар давомида ўқув жараёни сифатини оширишга хизмат қилувчи илғор ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш имконини беради.

Кириш имтиҳонларида ихтисослаштирилган ва умумий таълим мактабларининг 190 га яқин ўқувчиси иштирок этди.

Имтиҳонлар натижасига кўра, энг кўп балл тўплаган 60 нафар бола 2017-2018 ўқув йилида 5-синфдан ўқиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабга қабул қилинади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Саҳна ибрати

Она тилимизнинг софлиги, унинг бадий қиммати, жозибасини асраш, ёш авлодни тилимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатишда театр санъатининг катта хизмати, ўз ўрни бор. Ўзбекистон давлат драма театрида режиссёр Сайфиддин Мелиев томонидан адиба Зулфия Қуролбой қизининг «Аёл», «Кўёш мен томонда» ҳикоялари асосида саҳналаштирилган «Аёл» композициясини томоша қилар эканмииз бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Биз ёш актёрларнинг тил маданиятига риоя этишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Доно Бобонова. — Бу борада улар олдига мумтоз адабиётимиз намуналарини мутолаа қилиш, газал, шеър ёд олиш ва саҳна нутқи маданиятини эгаллаш каби талаблар қўйилган.

«Аёл» композициясига шоира аёл образини киритилиши ва воқеалар ривожига уйғун тарзда Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева, шоиралар Зулфия Мўминова, Фарида Афруз, Зебо Мирзаева ижодида мурожаат қилиниши асар го'ясининг томошабинлар қалбига янада ҳаяжонли тарзда етказилишига за-

мин яратди. Саҳнада шоира аёл ролини ижро этган истеъдодли актриса Тамара Мирмақсудова, жабрдийда аёл сиймосини гавдалантирган Раъно Эгамбердиева, маҳалла фуқаролар йиғинининг раисаси образини маҳорат билан маромига етказиб томошабинлар олқишига сазовор бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Тўхтаева ҳар бир халқ нақли, иборалар, лирик кечинмаларни ўзбек тилининг қонунқоидалари ва талабларига риоя этган ҳолда ифодаб беришди.

— Саҳналаштириш жараёнида режиссёр билан бирга ишлар эканман, асардаги замондошларимизнинг дарди, уларни қийнаётган муаммоларнинг ҳаётий ва жонли тарзда талқин этилиши, актёрларнинг ҳар бир сўзини томошабинга таъсирли қилиб етказишга аҳамият беришдан хурсанд бўлдим, — дейди «Аёл» композицияси муаллифи Зулфия Қуролбой қизи. — Гувоҳи бўлганнингиздек, бугун залда ўтирганларнинг аксарияти ёшлар эди. Бугун орадан ўқилган шеърлар, саҳнанинг безатилишидан тортиб, актёрларнинг ўз роли ичида «яшай олгани», равон нутқи ҳеч кимни бифарқ қолдирмади. Театр жамоаси театр ибрат мактаби эканлигини яна бир бор намойиш эта олишди.

Ойбуви ОЧИЛОВА

Она тилим — қалбим қуёши

Она тилининг гўзаллиги инсон нутқининг равонлиги, ифоданинг аниқлиги орқали намойн бўлади. Бунинг учун кичик ёшданок ўқувчилар билимини ошириб бориш керак.

Пойтахтимиздаги 228-мактабда она тили ва адабиёт фанини ўқитишга алоҳида аҳамият берилади. Фан ўқитувчилари ҳар бир машғулоти ноанъанавий тарзда ўтишга ҳаракат қилади. Ўқувчиларнинг билим, малака,

кўникмалари дарсдан ташқари машғулотларда ҳам мустақамлаб борилади. Бу ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан ташкил этилган тадбирда ўғил-қизларнинг фаол қатнашганида ҳам билинди.

«Она тилим — қалбим қуёши» мавзусида ўтказилган байрам тадбирида она тилимиз жозибаси ўқувчилар ижросидаги мазмунли иборалар, саҳна кўринишлари орқали мадҳ этилди. Тадбирга маҳалла фаоллари, ота-оналар тақлиф этилди.

Гулноза ШАВКАТОВА,
шу мактаб ўқитувчиси

Очик дарс

маълумотларга бой бўлди

Учтепа туманидаги 236-умумтаълим мактабида «Алишер Навоийнинг «Хамса» асаридagi «Фарҳод ва Ширин» достонида тимсоллар талқини» мавзусида очик дарс ўтказилди. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилдора Гаффарова дарсда АКТ ҳамда янги педагогик технологиядан унумли фойдаланди.

Жумладан, асар қаҳрамонлари тимсоллари расмлар орқали намойиш этилиши ўқувчиларнинг дарсга қизиқишини оширди. Ўғил-қизлар томонидан асардан парчалар, саҳна кўринишлари намойиш этилиб, газал ва рубойлар ифодали ўқилди. Интерфаол методларга бой бўлган дарсда ўқувчилар она тилимиз ҳақида кўплаб маълумот олишди.



Мудир дарс таҳлил қилса

мактабда таълим сифати ва мазмуни янада такомиллашади

Дарсга кузатувчи қирса, ўқитувчи машғулотга катта масъулият, иштиёқ билан ҳозирлик кўради, кузатувчи ўзи учун зарур методларни ўзлаштириб олади.

Шу мақсадда Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 24 майда "Ўқувчилар даволатини кундалик назоратга олиш ва ўқитувчилар дarsларини кузатиш, таҳлил қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинган. Унга кўра туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудир ва ўринбосарларининг ҳар ойда мактабларда 2 соат дарс кузатиши ва таҳлил қилиб бориши белгиланган. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан қабул қилинган махсус буйруқ асосида жойларда дарс таҳлиллари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Янгийул шаҳар халқ таълими бўлими мудир Шукур Бурҳонов ва ўринбосари Бахтжон Айимбетов ҳам зиммасидаги бу вазифани бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Сифатли методик хизматни йўлга қўйиш мақсадида бўлим раҳбарлари, методистлар, "Маҳорат мактаби" фаолларининг ойлук ва йиллик дарс таҳлилларини ўтказиш жадвали ишлаб чиқилган. Машғулотлар белгиланган муддатда таҳлил этиб борилмоқда.

— Шаҳримизда ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Методика кунини" ҳисобланади. Шу кун аниқ, табиий, гуманитар, чет тили, бошланғич таълим, миллий истиқлол гоёси ва маънавият асослари туркумига кирувчи фанлар бўйича методистларимиз жадвал асосида жойлардаги таълим муассасаларида бўлиб, дarsларни таҳлил қилади, — дейди Шукур Бурҳонов. — Ҳар ой якуни бўйича мактабларнинг таълимий кўрсаткичлари мониторинг қилиб борилади. Дарс таҳлиллари натижасига кўра энг паст кўрсаткичга эга мактаблар рўйхати шакллантирилиб, кузатувларни ана шу мактаблардан бошлаймиз. Тўғри, бир кунда ёки бир соатда борган мактабимиздаги ўқитувчиларнинг дарс ўтишдаги камчилик-

ларини тўғрилаш, методик эҳтиёжларини тўлиқ ўрганиб чиқишнинг имкони бўлмайди. Аммо бизнинг мактабга боришимиз, дarsлар мазмуни билан қизиқишимиз уларни сергаклантиради, фаолиятига ёндашувини ижобий томонга ўзгартиради. Чоршанба — "Методика кунини"да методистларимиз ўша таълим масканига бориб, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларни таълим янгиликларидан хабардор қилиш вазифасига киришадилар. Одатда ҳафта бошида турли ташкилий масалалар юзасидан ўтказиладиган йиғилишлар кам бўлади. Шу боис бўлими мудир ва ўринбосарининг дарс таҳлиллари режа асосида душанба кунини ўтказилади.

Бугунги кунда шаҳар халқ таълими бўлими тасаруфидида 12 тадан мактаб ва мактабгача таълим муассасаси мавжуд. Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, методик эҳтиёжини тўлдириш борасидаги самарали ишлар натижасида шаҳар таълим кўрсаткичи бўйича республикада юқори ўринни қайд этган. Бунга мактаб ўқувчиларининг билимлар беллашуви, фан олимпиадаларидаги фаол иштироки, ўқитувчи-педагогларнинг "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловидаги юқори натижалари туфайли эришилган.

Бугунги давр шиддати ҳар бир раҳбар олдига муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифаларни қўймоқда. Баъзан кетма-кет ўтказилган семинарлар, мажлислар туфайли улар режалаштирган кундалик ишларига ҳам улгурмай қолиши мумкин. Айниқса, халқ таълими бўлими раҳбарлари, мактаб директори, ўринбосарининг дарс кузатишга имкони бўлмай қолади. Натижада бу гўё иккинчи даражали вазифадек ташлаб қўйилади.

— Бундай вазиятларнинг олдини олиш учун ташкилий масалалар билан боғлиқ барча мажлисларни эрталаб ёки тушдан кейинги вақтда ташкил қиламиз, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Бахтжон Айимбетов. — Ҳар ойда 4 соатдан дарс таҳлил қилишга одатланганман. Кузатувларим натижасида ўқитувчиларда қайси жиҳатдан методик эҳтиёж юқори экани кўзга ташланапти. Шу ўқув йилидан компетенциявий ёндашувга асосланган янги тахрирдаги давлат таълим стандартлари амалиётга жорий этилмоқда. Бугун аксарият ўқитувчиларимиз таянч ва фанга оид компетенцияларни дарс ишланмасига сингдиришда турли саволларга дуч келмоқда. Айримлар компетенцияларни шакллантиришни дarsнинг мақсадлари (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) қаторида алоҳида банд сифатида қўлламоқда. Яқинда 29-мактабда тарих фани ўқитувчиси Улуғбек Мустафоқуловнинг дарсида ҳам шундай ҳолат кузатилди. Машғулотдан кейин компетенцияларни дарс мақсадлари мазмунига сингдириш бўйича тегишли тавсиялар бердим.

Шофиркон тумани халқ таълими бўлими раҳбарияти томонидан ҳам мактабларда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларнинг дарсга тайёргарлигини доимий ўрганиш, уларга методик ёрдам кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида дarsлар таҳлил этиб борилмоқда.

— Ўқитувчиларнинг дarsларини сезанба, пайшанба кунлари кузатиш. Таҳлилга методистлар ҳам жалб этилади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудир ўринбосари Хусан Бозоров. — Янги ўқув йилида 4 соат дарс кузатдим. Тумандаги 3-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулмехра Баротованинг 5-синфларга ўтган "Маънодош сўзлар" мавзусидаги дарси яхши таассурот қолдирди. Дарсда йўл қўйилган айрим камчиликлар юзасидан тавсиялар бердим.

Дарс кузатуви ва таҳлиллар таълим сифатини оширишда самара бермоқда. Сўнгги йилларда туманнинг рейтинг кўрсаткичи анча юқорилгани ҳам фикримизнинг тасдиғидир. Дарс кузатувида сўнг педагог-ҳодимлар ўқитишнинг самарали усуллари билан таништирилмоқда.

Ўқитувчиларнинг педагогик технологияларни амалда қўллаши, хорижий илғор методларни ўрганиб, менталитетга мос равишда ўзлаштириши, ўқувчиларни ижодий фикрлашга ундашига катта эътибор қаратилмоқда. «Ҳарфлар тилсими», «Шерингинги топ», «Тезкор харита», «Ассисмент техникаси», «Ўрнини топ», «Эшитув диктанти», «Ким топқур?», «Метаморфоза», «Бинг» ўйини, «Муҳокама-тақдимот», «Кунгабоқар», «Домино» методи, «Атамага мос жавоблар топиш» технологияси, «Эссе ёзиш», «Чайворд ечиш», «Органайзер» технологияси ўқитувчиларнинг тажрибасини оширишда қўл келмоқда. Натижада маҳоратли ва тажрибали ўқитувчилар сафи кенгаймоқда. Жумладан, «Энг яхши дарс ишланмаси» кўрик-танловининг туман босқичида 866 нафар ўқитувчи иштирок этди. 14 нафар ўқитувчининг илғор иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилди. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг туман босқичида 1481 нафар педагог беллашган бўлса, вилоят босқичида рус тили ва адабиёти, математика, тарих, бошланғич синф ўқитувчилари юқори ўринларни эгаллади.

Халқ таълими бўлими мудир ва унинг ўринбосари ўқитувчиларнинг дarsларини мунтазам кузатиб бора, устоз-муаллимларнинг ишчанлик кайфияти ошади. Бундай эътибор таълим мазмунини бойитишга, илғор методларни қўллаш борасида соғлом рақобат муҳитини яратишга, ўқувчиларнинг чуқур билим олишига хизмат қилади.

Илҳом ЖўРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Замонавий мактаб фойдаланишга топширилди



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мактабнинг очилиш маросими катта тантангага айланган. Маросимда Халқ таълими вазир У.Иноятов иштирок этиб, ўқувчи ўқитувчиларни самимий қутлади. Мактабга Халқ таълими вазирлигининг логотипи туширилган эсдалик совғаси топширилди.

Тантанали маросим якунланган, илк дarsлар бошланди. Машғулотларда фахрийлар, маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирок этди.

— Президентимиз мактабимизга келиб, 11 йиллик таълимни қайта тиклаш борасида таклиф билдирган эдилар, — дейди 10-синф ўқувчиси Жавлон Курбонов. —

Бу мен каби 9-синфни тугатган ёшларнинг тўғри йўлни топишга сабаб бўлди. Ҳозир кадрдон дўстларим, синфдошларим билан барча талабларга жавоб берадиган таълим масканида ўқишни давом эттиряпман. Янгиладан бинодаги шароитлар билан танишиб, мактабда ўқишни давом эттириб, хато қилмаганимни англадим. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ўқув-лаборатория, компьютер, музика хоналари, кутубхона ҳамда спорт залидаги шароитлар, ошхона мактабни намунавий мактаб сифатида эътироф этишга сабаб бўлди. Бунга жавобан аъло баҳоларга ўқиб, келажақда етук мутахассис бўлмоқчиман.

Мактабда 2 миллиард 322 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Аввал мактабда шароитлар талаб даражасида эмасди. Ўқув жиҳозлари етишмасди, лаборатория хо-



Б. РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

наси, спорт зали таъмирталаб эди, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Зебо Умарова. — Хоналарнинг яхши исимаслиги ўқувчиларнинг билим олишига салбий таъсир кўрсатарди. Бугун мактабимиз ўзгача кўриниш касб этди. Синфхоналар ёруғ ва шинам. Ўқувчиларимиз

ҳам бу эътибор ва гамхўрликдан қувонишмоқда. Уларнинг қалбидиға ғурур, шижоат янада яхши билим олишга ундамоқда. Ўз наватидида бу кулайликлар ўқитувчиларга ҳам қўшимча масъулият юклайди.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Янгиликка бой дарс

“Гуриллаб ёнаётган гулхани эътибор билан кузатсангиз, аланганинг юқори қисми тўқ қизғиш, ўртаси очроқ, пасти очқир рангда эканини кўриш мумкин. Харорати ҳам уч хил — иссиқлик аланганинг чекка ва юқори қисмида баланд, ўртасида эса паст бўлади. Олов ҳақида бундан-да қизиқ маълумотларни билишни истасангиз, дарсимизга диққат билан қулоқ тутинг”...

Яккасарой туманидаги 26-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси Дилбар Асқарованинг ҳар бир дарси шу каби қизиқарли маълумотларга бой бўлади. Муаллиманинг 7-“Б” синфда ўтган кимё дарсини кузатиб, у 2009 ва 2017 йилларда йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси, деган шарафли номга бежиз сазовор бўлмаган экан, деган хулосага келасиз.

Синфни синчиклаб кузатамиз. Доскага янги “2-амалий машғулот. Лаборатория жиҳозлари билан ишлаш. Аланганинг тузилиши. Гулхан” мавзуси ёзилган. Лаборатория жиҳозлари, реактивлар — сув, спирт, қуруқ спирт, гулгур муҳайё қилинган. Оқ халатдаги ўқувчилар нигоҳи ўқитувчига қаратилган. Ҳар бир партада пластик таглик, лаборатория штативи, спирт лампаси, пробирка, стакан, колба, шиша таёқча, штапель, керамик плита, воронка, темир қошиқча, тигел қиздиригич ва пробирка тутғич тартиб билан қўйилган. Муаллима дарс бошлашдан аввал ўғил-қизларга хавфсизлик қоидаларини тушунтириди.

— Ҳар бир дарсни ўқувчилар билан янгилик алмашишдан бошламан, — дейди Дилбар Асқарова. — Навбатчи ўқувчиларнинг дарсдаги иштироки ҳақида ахборот бериш жараёнида, албатта, кимё фанига оид янгиликларни айтиб ўтади. Мен кимё соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бераман. Бугунги дарсда Жиззах вилоятида янги қурилади

ётган нефтни қайта ишлаш корхонаси ҳақида тўхталдим. Бу ерда бир йилда 700 минг тонна авиация бензини, 300 минг тонна нефть маҳсулоти ва 3,7 тонна мотор ёнилғиси ишлаб чиқарилиши тўғрисидаги маълумот болалар учун қизиқарли бўлди.

Дарснинг кейинги қисмида уйга вазифа сўралиб, ўтган мавзу такрорланди. Янги мавзу тушунтирилгач, ўқувчилар гуруҳларга бўлиниб амалий машғулотга киришди. 1-гуруҳга штативни йиғиб, пробиркани тўғри жойлаштириш, 2-гуруҳга ҳалқали тутқичга чинни косани тўғри қўйиш вазифаси топширилди. Ўғил-қизлар иштиёқ билан лаборатория машғулотини бошлаб юборди.

— Лаборатория ишлари мавзунини пухта тушунишга замин яратади, — дейди муаллима. — Амалий машғулотларни ўқувчиларнинг ўзи

№	Савол	Жавоб
1.	Моддаларни бевосита ҳидлаш, ушлаш мумкин эмас.	+
2.	Пробиркани қиздиришда одам ишлаётган томонга қаратиш керак.	—
3.	Кислотани суюлтириш учун уни идиш девори бўйлаб сувга қўйиш керак.	+
4.	Таҳриба тугагач, электр ва сув тармоқларини ўчириш шарт эмас.	—

бажаришига имкон яратаман. Жараёни кузатиб, кимёвий элементларнинг хоссалари, таркиби ва тузилишини ўрганади. Афсуски, кимёвий элементлар номи нарча бирдек ёдида сақлаб қололмайди. Шу боис ўзлаштиришига қараб, ҳар бирига алоҳида топшириқ бераман. Мисол учун, гулхан мавзусига оид уч хил вазифа топшираман. Пробиркада суюқликни қиздиришда кислоталарни адаштириб юбормаслик зарур. Шу сабаб бу вазифани аълочилар бажаради. Ўртача ўзлаштирувчилар кислота ва ишқорлар билан иш-

Yilning eng yaxshi o'qituvchisi



лашда хавфсизлик қоидаларини кўрсатиб беради. Паст ўзлаштирувчилар “ҳа” ёки “йўқ” ўйини орқали фаоллаштирилади. Мавзунини мустақамловчи мазкур метод кам вақт талаб этиб, ўқувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини оширади. Бунда моддаларга оид саволлар ёзилган қуйидаги жадвал асосида ўқувчилар 5 дақиқа мобайнида “ҳа” жавобига “+”, “йўқ” жавобига эса “—” белгисини қўйиб чиқади:

Табақлаштирилган ўқитиш методи ёрдамида ўқувчилар билими 90 фоизга ўсди. Мисол учун, 7-“Б” синфдаги 10 нафар паст ўзлаштирувчилар фаол ўқувчилар сафига қўшилди. Кимё фани бўйича 6 нафар ўқувчи аълочилар қаторидан жой олди.

Дарс якунланди. Машғулотга қизиқиб кетган ўқувчилар вақт ўтганини сезмай қолишгани ва жараёнда ҳамма бирдек фаол иштирок этгани ўқитувчининг маҳоратидан дарак беради.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
“Ma'rifat” мухбири

Халқ таълими тизимида узлуксиз малака ошириш жараёни ҳамда илмий-методик хизматни такомиллаштириш мақсадида умумтаълим муассасалари раҳбарлари, методистлар ва ўқитувчилар учун сайёр ўқув курслари ташкил қилинмоқда.

Кўчма машғулотлар

тажриба алмашишда қўл келмоқда

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтининг навбатдаги сайёр семинар-тренинги Урганч шаҳридаги 4-мактабда бўлиб ўтди. Вилоятдаги 18 та таянч умумий ўрта таълим мактаби раҳбарлари ва информатика фани ўқитувчилари қатнашган тадбирда “Раҳбарлик фаолиятини фаоллаштирувчи усуллардан самарали фойдаланиш”, “Таълим муассасаси бошқарувини режалаштириш ва ташкил этишда ахборот тизимидан мақсадли фойдаланиш” каби мавзуларда маърузалар тингланди. Амалий машғулотларда ўзаро фикр алмашилди, мактаб директорлари ва информатика фани ўқитувчилари таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташлади.

Нукус шаҳридаги 37-мактабда бўлиб ўтган сайёр ўқув-семинар умумтаълим мактабларида маданий-маърифий ишларни янада яхшилашга бағишланди. Унда мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ва ёшлар етакчилари иштирок этди.

“Глобализация шариоатида “оммавий маданият”нинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири” мавзусида маъруза янгиликларга бой ва мазмунли бўлди. Маърузада аёлларнинг салбий иллатларга берилиши оқибатида миллат генофондининг бузилиши, айрим ёшларнинг хорихдаги “санъат юлдузлари”га ҳавас қилиши, “оммавий маданият”нинг одамларни фикрлашдан тўхатиб, тайёр истеъмолчига айлантираётгани видеоролик орқали очиб берилди.

— Бугунги тадбир амалий таклифларга бой бўлди — дейди Амударё туманидаги 76-мактабнинг ёшлар етакчиси Муассар Раҳматуллаева. — Фаолиятимизни янада жонлантиришга қаратилган янгидан-янги таклифлар билдирилди. Айниқсан, мактабларда ёшлар театрини ташкил этиш фикри кўпчиликка маъқул келди. Фойдали таклифларни ён дафтари-мизга ёзиб олдик.

Иштирокчилар мавзуга ҳамоҳанг тарзда Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейи экспонатлари билан танишиб, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат театрида Иззат Султон асари асосида саҳналаштирилган “Иймон” спектаклини томоша қилди.

Маҳмуд РАЖАБОВ,
“Ma'rifat” мухбири

Она тилига муҳаббат шууримизга она алласи, ота-боболаримиз каломи, ҳазрат Алишер Навоий асарлари орқали синган. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунни тарихий сана сифатида юксак гуруҳ ва ифтихор билан нишонлаймиз.

Миллат ғурури

Таълим муассасамизда “Она тилим — жону дилим” мавзусида иншолар танлови, “Тил — миллат кўзгуси” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. “Еш адабиётшунос”, “Еш тилшунос” тўғрақларининг фаолияти жонлантирилди. “Истеъдодли ёшлар” ва “Пресс-клуб” тўғрақлари ўртасида тил байрамига бағишланган деворий газеталар танлови бўлиб ўтди. Тажрибали фан ўқитувчилари томонидан ноанъанавий очик дарслар ўтилди.

— Бугунги кунда кўп асрлардан буён бойиб, сайқал топиб келаётган тилимизнинг ривожини йўлида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, биз педагоглар ҳам бундай эзгу иш-

лардан четда турмаслигимиз, она тилимиз ривожини ва юксалишига, келгусида халқаро тил сифатида эътироф этилишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Бунинг учун эса аввало фарзандларимизга, ўқувчиларимизга она тилимиз имкониятларини пухта ўргатмоғимиз, унга беъэтибор бўлмаслиқни уқтирмоғимиз керак, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари Н.Саидова.

Феруза МУСТАФОЕВА,
Қарши шаҳридаги
20-мактабнинг Ёшлар иттифоқи
бошланғич ташкилоти етакчиси

“Она тили жилолари”

ўқувчиларни ижодкорликка чорлади

Тил — миллатнинг юзи ҳисобланади. Она тилининг бетакрор жозибаси шу тилда яратилган асарларда ўз аксини топади. Бугун юртимизда тилга муносабат қадрият даражасига кўтарилган. Биз педагоглар ўқувчилар онгига қўйиш синфларданок она тилининг софлиги, муқаддаслигини сингдириб боряпмиз. Ўқувчилар ўзлаштириб тил қоидаларини адабиёт дарсида мустаҳкамлашмоқда. Луғат устида ишлаш тажрибасидан ҳам самарали фойдаланяпмиз. Иш фаолиятимизда ўқувчиларга ўқув режада берилган баён ва иншо-ларни ёздириб билан чекланмасдан, ҳар бир мавзу бўйича ижодий иш ёздириб аёнганга айланганман. Натижада уларнинг ёзма саводхонлиги, сўзларини ўз

ўрнида қўллаш малакаси ошганига гувоҳ бўлдим. Тилшунос ва адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашув ва ижодий кечаларда эса улар тил илмига оид янгилик ва муаммолардан хабардор бўлишмоқда. Яқинда “Она тили — миллат руҳи” мавзусида илмий-адабий анжуман ташкил этдик. Ўқувчилар тилшунос олимлар, шоир ва ёзувчилардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Тадбир сўнггида “Она тилим — фахрим менинг” иншо-лар, деворий газета, рефератлар танлови ғолиблари ҳамда фаол ўқувчилар тақдирланди.

Мақсуда ХУСАНОВА,
Яшнобод туманидаги
30-мактабнинг ўқитувчиси

2017-yil 25-oktabr, № 85 (9046)

Тахририятимизга келаятган мурожаатлардан маълумки, айрим ўқитувчи-педагоглар ҳуқуқий саводхонлиги етарли бўлмагани туфайли иш фаолиятида турли ҳуқуқбuzарликларни содир этмоқда ёки бундай вазиятларнинг жабрдийдасига айланмоқда. Ё бўлмаса, оддий ҳаётини вазиятларга қонуний ечим топишга қийналиб, бу борада кимдан кўмак, қонсухат сўрашни билмайди. Бундай ҳолатларда педагогларга кўмак бериш, ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билимини бойитиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, одил судлов жараёнларидан бохабар этиш мақсадида газетамизда янги — “Суд ҳимоясида” руқини ташкил этдик.

Бу руқини остида таълим-тарбия тизимидаги ҳуқуқбузарликлар, вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилиши, қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаятган саъй-ҳаракатлар, суд мажлислари, суд ҳимоясида ҳуқуқлари тиклалаятган фуқаролар, жумладан, ўқитувчи-педагоглар фаолияти юзасидан туркум материаллар тайёрланади.

Тўқликка шўхлик

Иш, бозор-ўчар, тирикчилик ташвиши, рўзгор юмушлари билан банд бўлиб, ўғил-қизлари таълим-тарбиясига лоқайд қараётган кишилар ҳам учрайди. Баъзан ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб, эл орасида хурмат-эътибор қозонган инсонлар болаларининг қилмишларини эшитиб, “Наҳотки, шу кишининг фарзанди нопок ишга қўл урса?!” дея ҳайрон қоласиз. Кўчада зўравонлик қилиб, бир қизнинг телефонини олиб қочган ҳам намунали оила фарзанди бўлиб чиқди. Уларни муҳтожлик эмас, балки тўқликка шўхлик, ота-онасига бўйсунмаслик шу йўлга етаклаганмикан?

— Ўсиб келаятган ёш авлодни иймон-эътиқодли, ватанпарвар, юксак соҳиёятли ва эл-юртига наф келтирадиган комил инсон қилиб вояга етказишда оиладаги муҳит, ота-она тарбияси муҳим, — дейди Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди раиси Шухрат Бакаев. — Вояга етмаганлар ўртасида содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ўрганганимизда йўлдан адашган болаларнинг иллатлар гирдобига тушиб қолиши, ҳатто жиноят кўчасига кириб кетишига оиладаги носоглом муҳит, ота-оналарнинг эътиборсизлиги сабаб эканлиги аён бўлади. Тўғри, ота-она ўз боласига асло ёмонликни раво кўрмайди. Аммо кўлига пул тушган назоратсиз бола кўнгли тусанган ишни қилиб, охири-оқибат муаммолар гирдобига қолади. Туманимиздаги 267-мактаб ўқувчилари содир этган жиноятга ота-она назоратсизлигини асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Ўқувчилар аввал дарсдан қочган, сўнгра кўчада ўтган-кетган қизларга гап отиб, майнавозчилик қилган. Ўсмирлар “гап отиш”дан зерикиб, қандай ишларга қодир эканини синбаб кўрмоқчи бўлишади. Иккала йигитча келишиб, амалиёт машғулотидан қайтаётган бир қизга зўравонлик қилиб, унинг мобиль те-

Устозини ҳақоратлаган ўқувчи

бу хатти-ҳаракати қонунга зид эканини билармикан?

лефонини олиб қочади. Воқеадан хабар топган одамлар уларни дарҳол ушлашади. Ўқувчилар қилган ишдан қаттиқ пушаймон, фарзанд тарбиясига масъулиятсиз бўлгани учун яқинлари, кўни-қўшнилари олдида ота-онасининг боши ҳам бўлди. Қонунбузарларга нисбатан суд ҳукми эълон қилинди: ўсмирлар Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми “а”, “в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбонлиб, уларга 84-модда бўйича олти ойга озодликни чеклаш (соат 21:00 дан 6:00 га қадар уйдан кўчага чиқмаслик) жазоси тайинланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби” мавзусидаги анжуманда “...Бир боланинг йўлдан адашиши — бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфат. Бундан аввало шу боланинг ота-онаси, ака-укалари, яқинлари жабр кўради. Бундай пайтда уларга ёрдам бериш керак...” дея фикр билдирди. Ҳақиқатан ҳам, билиб-билмай йўлдан адашган ўғил-қизларни тўғри йўлга бошлаш, уларнинг эзгу орзумидларини амалга оширишга кўмаклашиш катталарнинг вазифаси.

Меҳрга ташна бола...

Иллинойс университети профессори Роберт Хьюз соғлом оила муҳитида улғаяётган оила фарзандлари ҳамда яқинлари меҳрига муҳтож болаларнинг дунёқарши ва хатти-ҳаракати юзасидан махсус тадқиқот ўтказди. Сўронома натижаларига кўра, уруш-жан-

жал одатий ҳолга айланган, ажрашиб кетган ва муаммоларга ўралашган оила фарзандлари одамови бўлиб, руҳий тушқун кайфията яшаши маълум бўлган. Бундай кўнгилсиз жараён, айниқса, отасиз ёки онасиз ўсган болаларда кўп кузатилган.

Ҳа, ота ё онасиз яшаш жуда оғир. Эр-хотиннинг ажралиши катталарни ҳам доводиратиб қўйганда, бу дунёнинг оқу қорасини ташунмайдиغان гўдақлардан қандай иродани кутиш мумкин?! Ота-оналар ўз тинчини, эркинлигини ўйлаб, фарзандининг ҳуқуқини чеклайди, норасида гўдақларни меҳр-муҳаббатга ташна қилади. Натижада ота-она

Yangi rukn: Sud himoyasida

томонлар ўртасидаги жанжалга нуқта қўйилмайди. Энг ёмони, бундай пайтда болалар сарсон-саргардон бўлиб, ота-онаси жанжалидан руҳан эзилиб яшайди. Бу болаларнинг таълим-тарбиясига, фанларни ўзлаштиришига жуда катта салбий таъсир кўрсатади. Нотўлиқ оилалар фарзандлари билан ишлаш педагоглар учун ҳам қийинчилик келтириб чиқаради.

Устозини ҳақоратлаганлар

Хар бир синфда аълочи, одобли, ташаббускор ва албатта, тўполончи болалар бўлади. Ўқитувчилар “қулоқсиз”ларни баъзан “Ота-онангни чақиртириб, барча қилмишингни айтиб бераман”, дея кўрқитиб, шилловлашга ҳаракат қилишади. Аммо Сирғали саноят ва сервис касб-ҳунар коллежида ўқийдиган бир эмас, тўрт нафар ўқувчи ҳеч кимдан кўрқмайдианлар хилидан чиқиб қолди. Тенгдошлари у ёқда турсин, ҳатто қониқарсиз баҳо

исси Шухрат Инагамджанов. — Ўқувчилар қилмишидан пушаймонлигини, бошқа бундай иш қилмаслигини таъкидлаб, устозидан кечирим сўради. Ўсмирлар билан бўладиган суд жараёнида энг муҳим масала — қонунбузарларга жазо тайинлаш эмас, балки ҳуқуқбузар ёшларни тўғри йўлга бошлаш, жабрланганларни суд ҳимоясига олиши, қонун бarcha учун баробар эканини тушунтиришидир.

Сайёр судлар

Жорий “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да барча соҳалар каби суд тизими ходимлари ҳам аҳоли билан кўришиб, уларнинг дарду ташвишларини, мурожаатларини тинглаб, одамларнинг судга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Сайёр суд мажлисларининг ташкил этилиши эса аҳолини қийнаётган масалаларнинг жойида, судья ва тегишли соҳа мутахассислари иштирокида ҳал этилишига замин яратпти.

— Фуқаролар мурожаатини жойида ўрганиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни ўз вақтида ҳал этиш мақсадида ўтказилаётган сайёр суд мажлислари аҳолига манзур бўляпти, — дейди Жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани суди девонхона мудири Дустамурод Тошев. — Жумладан, ўтган тўққиз ой давомида таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимини ошириш бўйича 37 та тарғибот тадбири ўтказилди. Судьялар томонидан жиноят ишлари бўйича 264 та, маъмурий ишлар бўйича 155 та суд мажлиси ташкил этилиб, фуқароларни қийнаётган кўплаб муаммолар жойида ҳал қилинди.

Маълумот йиғиш жараёнида Сирғали туманидаги судларда фаолият юритаётган судьялар юқоридаги сингари кўплаб мисолларни келтиришди. Вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, одил судловни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, умуман, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш борасидаги ҳамкорлик учун улардан миннатдормиз. Ёш авлодни турли кўнгилсизликлардан асраш, ўқитувчи ва ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳар қандай иш юртимиз тараққийоти, фарзандларимизнинг порлоқ келажаги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳасан МЎМИНОВ,
“Ma'rifat” муҳбири

Бирок суд қарори чиққан бўлишига қарамай, томонлар ўртасидаги жанжалга нуқта қўйилмайди. Энг ёмони, бундай пайтда болалар сарсон-саргардон бўлиб, ота-онаси жанжалидан руҳан эзилиб яшайди. Бу болаларнинг таълим-тарбиясига, фанларни ўзлаштиришига жуда катта салбий таъсирини кўрсатади. Нотўлиқ оилалар фарзандлари билан ишлаш педагоглар учун ҳам қийинчилик келтириб чиқаради.

ни ачинарли ҳолдир, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро суди раиси Абдувоҳид Қосимов. — Ажримдан кейин кўпинча ота ўз фарзандини кўра олмаётгани, боласига гамҳўрлик қилиш ва тарбияси билан шугулланишига собиқ хотини қарши бўлаётгани юзасидан даъво қилишади. Бир фуқаро худди шу муаммо бўйича судга мурожаат қилди. Никохи бекор қилинган, она фарзандини отага кўрсатмай қўйибди. Суд жараёнида муаммолни вазият атрофлича ўрганилиб, Конституциямиздаги тегишли ҳуқуқлар ва Оила кодексининг 71-, 73-, 76-моддаларига асосланиб, даъвогар, яъни отанинг мурожаати қаноатлантирилди. Отага фарзанди билан кўришиш вақти ва тартиби белгиланди. Бирок суд қарори чиққан бўлишига қарамай,

кўйган ўқитувчисини ҳам ҳақорат қилишдан тап тормади. Жамоат тартибини бузган болаларни ота-онасига айтиб ҳам тўғри йўлга сола олмаган педагог охири-оқибат судга мурожаат қилишга мажбур бўлди. — Саноят ва сервис касб-ҳунар коллежидаги вазият юзасидан бўлиб ўтган суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Унга кўра, майда жазо эърилик, яъни жамоат жойларида сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва кишиларнинг ошшошталлигини бузувчи бошқа хатти-ҳаракатлари учун ўқувчиларга жарима жазоси тайинланди, — дейди Маъмурий ишлар бўйича Сирғали тумани суди ра-

Мақсадли маҳсулотлар

нафақат озукавий, балки шифобахш хусусиятларга ҳам эга бўлади

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртли ва илмий-тадқиқот институтлари хузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган чоратадбирлар комплексидан олий таълим муассасаларида олий таълим-тадқиқот лабораторияларини яратиш кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети биология факультети қошида "Хужайра ва молекуляр биотехнология лабораторияси" ташкил этилган Самарқанд ҳамда Наманган давлат университетлари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этяпти. Мазкур лаборатория ўзидан турли нур таратадиган моддалар асосида бошқа номтаълим моддани аниқлашда қўлланиладиган флюороспектрометр, стрел ҳолатда изланишлар олиб бориш учун зарур бўлган ПЦР — бокс ламинарлари, генларни молекуляр даражада тадқиқ этиш имкониятини яратувчи ПЦР амплификаторлари, -40 даражага совуқ ҳароратни тутиб турувчи музлаткичлар, турли автоматик микропипетка-

лар, термостатлар, "Сув ҳаммоми" сингари ноёб асбоб-анжомлар билан таъминлангани илмий-тадқиқотларнинг жадаллашувиغا хизмат қилмоқда.

Инсон саломатлиги учун ниҳоятда муҳим модда бўлган лактоферен фақат она сутидан мавжуд. Замоनावий илм-фан биотехнология ютуқларидан фойдаланиб мазкур ноёб моддани эчки сутидан олиш имкони мавжудлигини тасдиқлади. Мутахассислар фикрича, озуқа таркибини янада бойитиб, унда вирусларга қарши курашувчи препаратлар, антибиотиклар жамланishiга эришиш мумкин. Болалар тўйимли озукани истеъмол қилиш баробарида вужудини турли касалликлардан ҳимоя қилувчи экологик соф витаминлар билан қувватлантиради. "Хужайра ва молекуляр биотехнология лабораторияси"да айнан ана шу турдаги мақсадли озукаларни тайёрлаш усуллари ўрганилади.

— Ер юзидан аҳоли сонининг муттасил ўсиши туфайли инсониятнинг озик-овқат, дори-дармонга бўлган эhtiёжи ортяпти. Шу-

нингдек, экологик муаммолардан саломатлики муҳофаза қилиш учун сифатли, оксил ва турли витаминларга бой ноз-неъматлар тановул қилиш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шундай муҳим паллада хужайраларни ўзаро қўшиш йўли билан мақсадли, до-ривор ўсимликларни етиштириш ҳар жиҳатдан самара беради, — дейди Ўзбекистон Миллий университети "Биотехнология" кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор Шохиста Тошмухаммедова.

— Мақсадли ўсимлик ва маҳсулотлар етиштириш замонавий биотехнологиянинг асосий вазифаларидан бўлиб, тирик организмлар мажмуаси иштирокида биологик жараёнларни такомиллаштириш йўли билан саноат маҳсулотларини олиш муаммолари ечимига хизмат қилади. Халқона изохлаганда, фаолиятимиз кундалик истеъмол қиладиган озик-овқатларимизнинг нафақат озукалик, балки шифобахш хусусиятларини ҳам юзага чиқаришга қаратилган.

Лабораторияга ўрнатилган замонавий жиҳозлардан тўғри ва ўринли фойдаланиш мутахассислардан етарли билим ва малака талаб этилади. Юқори техно-



Jarayon

логиялар ўқув-тажриба марказида ташкил этилган тренинг машғулотлари бу борада маҳорат дарслари вазифасини ўтапти.

— Лабораторияга биргина полимераза занжирий реакцияларини амалга оширишда қўлланилувчи амплификаторнинг ўрнатилиши микроклонлаш асосида бугунги фармацевтика саноати талабларига тўла жавоб берадиган ўсимликларни яратиш ва улардан маҳаллий хомашё олиш имкониятини беради, — дейди оlima. — Муайян моддалар билан ишлаганда табиий газдан фойдаланиб бўлмайди. Бу борада лабораториямизга ўрнатилган "Сув ҳаммоми" ёрдам беради. Германия, АҚШдан валюта эвазига келтириладиган умумий қиймати қарийб юз миллион сўмдан ортиқ бўлган бундай жиҳозлар гибрид хужайраларни яратиш орқали вируссиз ўсимликлар етиштириш борасида илмий изланишлар олиб боришда ҳам қўл келаётди. Жумладан, иқтидорли тадқиқотчилардан Зухра Қодированинг "Physalis alkekengi" ўсимлигини микроклонлаш орқали вируссиз ўсимлик яратиш, Барно Ортиқжўраеванинг "Биологик фаол моддаларни ўсимлик манбаларидан ажратиш, липосомаларга микрокапсуллаш ва шу орқали турли касалликларни даволашда қўлланиладиган дори воситасини яратиш

борасидаги уринишлари ўзининг дастлабки натижасини кўрсатяпти. Илмий-тадқиқот лабораториясининг ташкил этилиши долзарб масалалар ечимига қаратилган лойиҳаларни амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, "Маҳаллий хомашёдан иммуномодуляторлар ажратиш асосида қўйи молекулали моддалардан юқори специфик антитаналар олиш ва ушбу компонентлар асосида тест-система ишлаб чиқиш" мавзусидаги амалий лойиҳа республикамизга кириб келаётган ноқонуний, қалбакилаштирилган дори маҳсулотлари таркибини аниқлаш, сифатини текширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозиргача бу жараён қимматли асбоб-ускуналар ва малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиб келинмоқда. Агар олиб бориладиган лойиҳа натижалари амалиётга татбиқ этилса, сарф-харажатларсиз, оддий лаборатория ходими ҳам бу текширувларни талаб даражасида ўтказиши мумкин. Факультетимизда илмий, инновацион гоғлар, ўзаро тажриба алмашиш ва малака ошириш мақсадида Европа мамлакатларидаги нуфузли олий таълим муассасалари билан иходий ҳамкорлик ишлари ўрнатилган. Ана шу муносабатлар доирасида турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг хорижий давлатлардаги олий даргоҳларда таҳсил олиши, малака оширишлари имконият яратяпти.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Тўлимлик маркази ташкил этилди

Кўштепа қишлоқ хўжалиги ва транспорт касб-хунар коллежидан манзарали дарахтлар, гуллар ўстириш ва парваришларини ўргатиш мақсадида қисқа муддатли малака ошириш курси ташкил этилди.

Президентимизнинг шу йил 22-июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида вилоятни ободонлаштириш, турли гуллар, мева-ли ва манзарали дарахтларни кўпайтириш бўйича берган топшириқларини бажариш доирасида ташкил этилган ўқув курси 36 соат олиб борилади. Курсда дастлаб вилоятдаги барча ташкилот ва корхоналарнинг боғбонлари мамлакатимизда ва хорижда етиштириладиган гул ва кўчатларнинг навлари, уларнинг биологик хусусиятлари, асосий касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш, кўчат етиштиришни ўрганади.

— Коллежимизда агрохимия йўналиши мавжуд бўлиб, унда 180 нафар ўқувчи билим олади, — дейди гулчилик ва кўчатчилик бўлими ўқитувчиси Тўлқинжон Собиров. — 30 нафар ўқувчи "Гулчилик" тўғраги аъзоси ҳисобланади. Коллеж-

да 65 турдан ортиқ гул навларини ана шу тўғрақ аъзолари парваришлаб, кўпайтирмоқда. Бу ерда гулчилик ва кўчатчилик марказининг очилишини туман аҳолиси катта хурсандчилик билан кутиб олди. 60 нафар тингловчи билан машғулотларни бошлади. Марказ вилоят миқёсида фаолият юритади. Марказ ҳақида эшитган уй бекалари, ёши катта онахонлар ва боғдорчиликка қизиқувчилар ўқиш истагини билдирмоқда.

Марказнинг айнан Кўштепа қишлоқ хўжалиги ва транспорт коллежидан очилиши ҳам беҳиз эмас. Бу илм даргоҳидаги шарт-шароит, ўқитувчиларнинг билим ва малакалари ҳам инобатга олинди.

— Коллежимизда 777 нафар ўқувчи қишлоқ хўжалиги электр машиналарига техник хизмат кўрсатиш, автомобилларда юк ташиш, агрономия, фермер хўжаликлари ташкил

этиш ва юритиш, тикувчилик, асарчилик зоотехникаси, ветеринария, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби йўналишларда касб-хунар ўринини қўймоқда, — деди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Солижон Аҳмадалиев. — Имкониятимиздан келиб чиққан ҳолда уч сотихли иссиқхона ташкил этганмиз. Айни кунларда бу ерда лимон кўчатлари, сабзавот ва резаворлар етиштирилмоқда. Манзарали дарахтларга ишлов бериш ва етиштириш бўйича мутахассислар — махсус фан ўқитувчилари Толибжон Фафуров, Наргиза Отақуллова, Наргиза Пўлатбекова, Мастура Аҳмадждонова, Тўлқинжон Собиров марказда тингловчиларга турли мультимедиа воситалари, вилоятдаги энг тажрибали боғбонларнинг иш жараёни акс этган видеолавҳалар орқали дарс ўтишини режалаштирганмиз.

Янги ташкил этилган ўқув марказида улар тингловчиларга декоратив дарахтлар, гул ва кўчатларга шакл бериш ва ёшартириш технологияси, иқлим ўзгаришига мослашувчан навлар яратиш истикбол-

лари, ўғитлардан фойдаланиш, иқлими бошқача шароитдаги гулларни ўзимизнинг юртда кўпайтириш, маҳаллий навлар селекцияси бўйича маърузалар ўқишда, амалий машғулотлар Фарғона шаҳридаги гулзор ва хиёбонларда ўтказилиши белгиланган.

— Ушбу марказ ҳозирча нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ягона. Келгусида бу каби марказларни барча вилоятларда очилиши режалаштирганмиз, — деди Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази хузуридаги Ахборот-методик таъминлаш хизматининг етакчи методисти Ботир Ҳайдаров. — Марказ тажрибаси мисолида тақлиф ва тавсиялар, аҳолининг қизиқишлари ва эhtiёжлари ўрганилади ҳамда барча омилар умумлаштирилиб, келгусида тикувчилик, дурадгорлик, мебеласозлик, қандолатчилик, миллий ва европа таомлари тайёрлаш каби касб-хунарлар ўргатишга ихтисослаштирилган шу каби марказлар ташкил этилади.


Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Ma'rifat" мухбири

2017-yil 25-oktabr, № 85 (9046)

Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 49-модда.)



Тарих тухфасини қандай асраяпмиз?!

Хоразм вилоятининг чекка қишлоқларидан бирида туғилиб ўсганим боис болалигимда Хивага боришни орзу қилардим. Боз устига, ушбу кўхна кентга борган синфдошларимнинг хикоялари ҳавасимни чандон оширарди.

Уша кезлар биология муаллими-миз Аҳмад Матёкубов раҳбарлигида яшанба кунлари тарихий жойларга саёҳат уюштирилди. Мен ҳам шу баҳона азим Хивага боришдек орзуимга эришганман. Қишлоқнинг пастқам уйларию кулбаларидан бошқасини кўрмаган бола учун бундай мағрур миноралар, нақшинкор бинолар, сарой ва работлар мўъжизанинг ўзгинаси эди. Қалбимда ўшандаёқ шу заминда туғилганимдан фахрланиш туйғуси аланга олган. Аммо Хива алланечук ҳорғин ва маъёс эди. Болалик шуурим билан унинг дардига малҳам излагим, юпатгим келарди. Қани, кўлимдан келса...

Олий ўқув юртини тугатиб, ўқитувчи бўлиб ишлаб бошлаганимда иккинчи марта Хивага бориш насиб қилди. Қишлоғимиз фахрийси Аминбой Вапаев ва бир гуруҳ меҳнаткашлар жамоасига қўшилиб сеҳри шаҳарга йўл олдик. Сақиз автобус уч кун давомда саёҳатчилар измида бўлди. Бу сафар ҳам Хива бироз маъзун, сайёҳларга дилхун боқиб тургандек туюлди. Яна юрагим эзилди.

Учинчи марта жонажон Ўзбекистонимиз эндигина мустақил бўлган пайтда Хивага бордим. Бу сафар Хива худди ёришиб, бизни кучоқ очиб кутиб олгандек бўлди. Ўзимни ҳали бунчалик ушбу тарихнинг бир парчасига яқин туймагандим.

Сохта «дуоғўй» ва Паҳлавон Маҳмуд «издош»лари

Кейинроқ оила кўрдим, бола-чақали бўлдим. Бу кувончимни Хива шаҳри билан тез-тез баҳам кўришга, фарзандларимни у ерга олиб боришга одатландим. Ана шундай сайримиз мустақилликка эришилган илк йилларда бўлди. Одам кўп. Шайх Аловуддиннинг улуғ шоир Паҳлавон Маҳмудга дарс берган ҳужрасига Тошкентдан келган бир гуруҳ санъаткорларга эргашиб кирдик. Ичкарида бизга пешвоз чиққан паст бўйли, қорамағиз аёл лаби лабига тегмай: «Галинлар, меймонлар, билет олиб, тўра ўтиб ўтиринлар!», деди.

— Биз мажмуанинг эшигидан киришда билет олганмиз, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Бу ҳужранинг билети алоҳида. Полвон пирдай табаррук зотнинг усоти учун пулингизни кизганасизми?

Кани, тез бўлинг, менинг вақтим йўк.

Тошкентлик меҳмонлар ортиқча таллашиб ўтирмай, пул узатди. Мен ҳам чўнтагимга қўл солдим. Аёл чақонлик билан тоқчадан эски жилдли китобни олиб, лавҳа кўйди ва Куръон сураларидан бирини ўқий бошлади. Тили тиловатда, кўзи эшиқдан кираётган сайёҳларда. Тиловатни тўхтатиб, нариги хонада сайёҳларни кутиб олиб, ҳисоб-китобини дўндиргач, тез изига қайтиб, оятнинг давомини ўқиди. Китобни ёпди-да «Тиловат ҳақини кўнглингиздан чиқариб беринглар», деди. Аёлнинг важоҳатини кўриб, кўнглимиздан чиқмаса ҳам, чўнтагимиздан чиқардик. Тезроқ бу ерни тарк этиш мақсадида эшик томон интилдик ва таъмагир «экскурсовод»дан бир амаллаб кутулдик.

Мажмуада Кутлимурод иноқ дафн қилинган баланд майдон минораси бўлиб, у ерга бинонинг чап томонидаги зинадан чиқилади. Болаларни кўтариб, етаклаб зинадан чиқаётганимизда шу ердан ўтганларга кўз тикиб, қўлтиқтаёққа суянган кексароқ аёлни кўргандик. Ажабо, минорани айланиб, есдалик учун суратга тушиб, изимизга қайтаётсак, ҳалиги кампир йўлимизни тўсиб, биздан садақа сўраса бўладими? Озроқ пул узатсак, унамади: «Бу ер эгалик жой, бунда кўп улуглар ётибди. Комилжондай хофизни шол қилиб қўйган жой бу. Мени ранжитсангиз, уйингизга етмасдан бир баалога йўлиқасизлар», дея янада ичимизни қизитди.

Шундай бўлса-да, у сўраган пул бизда йўқлигини айтдик, кампир еса гўё раҳм қилгандай «садақа» микдорини камайтирди. Хуллас, қалби «ногирон» кампирдан ҳам кутулдик. Кампирдан ранжиб турган чоғимизда атрофдаги ўспирин йигитларнинг қаллоблиги ҳаммасидан ошиб тушди. Улар ўзларини Паҳлавон Маҳмуд наслданмиз, деб гапириб, одамларни озгига қаратяпти, содда

қизларнинг бошини айлантиряпти. Бунга нима дейсиз?!

Шу тариқа етти иқлимга машҳур қадрдон қалъамга кўксимни баланд қилиб бордим, аммо бошим ҳам бўлиб кайтдим.

«Мен йигламай, ким йигласин дastingдан»

Орадан йигирма йилча вақт ўтди. Ана шу нохуш таассуротлар туйғай-

жа минорасининг бағрини яралаш ҳали-ҳануз давом этяпти.

Бу каби нохуш ҳолатга гувоҳ бўлаётган ватанпарвар сайёҳлар очик осмон остидаги муаззам музей мутасаддиларига бир оғиз «Қаёққа қараяписизлар?» демайди. «Мен йигламай, ким йигласин дastingдан», дея бўзлаётгандек туюлган Ислomxo'ja ёдгорлигининг ачинарли ҳолати юракни эзиб юборди.

Хива манзараси жорий йилда «Биз келагагимизни фидойи ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз» шиори остида ўтказилган тарғибот тадбири иштирокчиларини ҳам ўйга толдирган бўлса, ажаб эмас. Шоир Даврон Ражаб билан суҳбатлашарканмиз, у билдирган фикрлар ҳамон қулоғимда жаранглайди:



ли Хивага бормай қўйгандим. Бироқ яқинда Тошкентдан келган ҳамкасбимнинг илтимоси билан яна саёҳатга бордим.

Ҳамроҳимнинг Хивага биринчи келиши экан. У ўзини бошқа дунёга тушиб қолгандек ҳис этди. Аммо менда йигирма йил олдинги ҳолатлар такрорланишидан хавотир бор эди. Хива шахрининг жозибасию, келбати бутунлай эътиборимни тортмасди. Шукрки, бу гал зўравон фирибгарларни учратмадик. Одамлар ҳам, музей ходимлари ҳам ўзгарибди. Ҳамманинг қўлида телефон, фотоаппарат — суратга тушиш билан овора.

Ҳамроҳим билан энг баланд ва салобатли Ислomxo'ja минораси ичига кириб, зиналардан юқориладик. Олду ортимизда қўл ушлашган йигит-қизлар гўё дунёда фақат улар бордек имиллайди. Ниҳоят, тепага чиқиб олдик. У ерда бундай «севишган»лар жуда кўп экан. Миноранинг ички деворлари уларнинг ўйиб ёзилган исмлари билан тўлгани кўнглини хира қилди. Ислomxo'ja

«Биз ҳар галгидек катта ҳаяжон билан, мозий дарвозаси — Ота дарвозадан кириб бордик. Бир неча соат вақт туйнугидан тарихга қайтиб, сайр этиш орзусида эдик. Дарвозадан киришимиз билан Хоразм эмас, гўё замонавий Европа кийим-кечакларию буюмларига дуч келдик. Тасаввуримиз тумандек тарқаб кетди. Балки бу савдо моллари хорижлик сайёҳлар учун расталарга жойлангандир. Лекин уларни миллий маҳсулотларга аралаштирмай, Ичанқалъа ташқарисида ёки бошқа жойда сотиш мумкин-ку? Бундан ташқари, Хива сура-тига кўзимиз тушса, дарҳол устоз санъаткор Комилжон Отаниёзовни эслаймиз. Унинг ноёб овози қулоқларимиз остида жаранглайди. Аммо бугун Ичанқалъа кирсангиз, овоз ёзиш студияси олдидаги карнайдан рок мусикаси янграйди».

Қани эди, Ичанқалъадаги ҳар бир буюм бобомерос қадриятларимиз руҳида бўлса, ҳамма нарса ўша давр кўринишида жонлантирилса! Сотувчилар, сураткашлар, музей ходимлари қадим миллий либосларда хизмат қилса, кўчаларда от-аравалар, навкарлар юрса. Хон саройида аъёнлар, ташқарида алп ясовуллар турса, емакхоналарда қадимги Хоразм таомлари пиширилса, миллий урф-одатлар, тўй ва маросимларни акс эттирувчи сахна кўринишлари ташкиллаштирилса, қисқаси, қалъада ўша давр руҳи сезилиб турса, сайёҳлар ҳам жуда хурсанд бўларди.

(Давоми 16-бетда.)



Bilasizmi?

Швеция қиролик фанлар академияси жорий йили физика фани бўйича Нобель мукофоти совриндорларини эълон қилди. Ушбу нуфузли мукофотнинг 111-соврини бу сафар уч америкалик олим — Райнер Вайс, Барри Бэрриш ва Кип Торнга берилди. Аянага кўра, совриндорлар 10 декабрь куни Стокгольмда тақдирланади. Совриндорларга 9 миллион швед кронаси (1,12 миллион доллар) берилди. Вайсга пул мукофотининг ярми, қолгани эса Бэрриш ва Торнга тегади.

ҳаракатидан келиб чиқади. Физиклар бундай тўлқинларни "фазо-вақт материалидаги мавжларини" деб ҳам атайди. Эластик майдонни тасаввур қилайлик. Агар унга енгил зўлдир ташланса, зўлдир тўғри чизик бўйича ҳаракатланади. Агар майдоннинг марказига оғир зўлдир қўйилса, траектория эгрланади. Агар зўлдир эластик майдончада даврий ҳаракатлана бошласа,

баси жанубий яримшарда жойлашган дея тахмин қилди. 2016 йилда олимлар тадқиқот натижаларини кенг жамоатчиликка ҳавола этди. Хулосалар ҳақиқатан ҳам 14 сентябрдаги ҳодиса гравитацион тўлқинлар эканини тасдиқлади.

Олимларнинг хулосасига кўра, LIGO асбоблари Куёшдан 29 ва 36 мarta оғирроқ бўлган икки қора туйнукнинг қўшилишигача бўлган сўнгги

ўрганишдаги принципиал янги усул бўлиб, астрофизика соҳасидаги инқилобга тенглаштирилган. Ташкилот тақдим этган маълумотда эса "Бу тўлқинларни тутишни ким уйдalasа ва уларда яширинган маълумотларни топса, битмас-туганмас ихтиролар ҳазинасига эришади", деб ёзилган. Зеро, олимлар гравитацион тўлқинларни тўла тадқиқ этиш бугунлай янги соҳа вужудга келишини таъминлайди, деб баъорат қилмоқда. Агар илгари узоқ галактикада рўй бераётган ҳодисалар асосан электромагнит диапазонида сезилган бўлса, энди улар сафига гравитацион тўлқинлар қўшилди. Бундай тўлқинлар Катта портлашдан кейинги, бизнинг галактика вужудга келган дастлабки пайтлардан бери мавжуд. Олимлар ана шу гравитацион тўлқинларни бевосита қайд этгани оддий ҳол эмаслигини шундан ҳам билиш мумкин. Илгари бунга фақат қўш юлдузлар-пульсарларнинг энергия йўқотишини кузатиш орқали эришилган.

Шу билан Альберт Эйнштейннинг умумий нисбийлик назарияси яна бир бор ўз тасдиқини топмоқда. Олимлар яна бир бора қора туйнуклар мавжудлигини исботлади. Физиклар ўтказган тажрибалар замонавий назарий моделлар ёрдамида аъло даражада тушунтирилади. Энг асосийси, физиклар астрономларга гравитация ёрдамида космосни тадқиқ қилиш имконини намоиш қилди. Ахир астрономлар шу пайтгача олисдаги объекتلар ҳақидаги маълумотларни асосан электромагнит диапазонларида (оптик, рентген, инфракизил ва ультрабинафша нурлар) олишадик. Қолаверса, гравитацион тўлқин антенналарининг сезириш қилини олиб қилиши мумкин. Шу мақсадда мавжуд гравитацион



обсерваторияларни модернизи қилиш ва янгиларини қуришни даврининг ўзи ҳам тақозо этмоқда.

Космосни тадқиқ қилишга доир янгича ёндашув гравитацион обсерваторияларнинг жуда қимматга тушиши боис у қадар равақ тополмаяпти. Хусусан, LIGO обсерваториясига тахминан 370 миллион доллар сарф қилинган. Келажда гравитацион-тўлқин антенналари ёрдамида кенгайиб бораётган галактика тезлашини юқори аниқликда ўлчаш, мавжуд космологик моделларнинг ишга яроқчилигини текшириш, нейтрон юлдузларнинг сферик шаклдан четлашини баҳолаш ҳамда космик илларни — Катта портлашдан кейин юзга келган фазо-вақтнинг бир ўлчамли нуқсонларини қайд этиш (агар мавжуд бўлса) мумкин.

Субхон АХРОРОВ,
Тўйчибўй ТОШБЕКОВ,
Самарқанд давлат
университети доцентлари

Эйнштейн назариясининг давоми

ёки шу йилги Нобель мукофоти физика соҳасида нима учун берилди?

Келинг, аввал олимлар ҳақида икки оғиз тўхталайми. Райнер Вайс 1932 йили Берлинда туғилган. Германияда ҳокимият тепасига нацистлар келганидан кейин Вайслар оиласи аввалига Чехословакияга, кейин АКШга кўчиб кетади. У Массачусетс технология институтиди (МТИ) таҳсил олади, кейин Принстон университетиди докторантурани тугатади. 1964 йилдан бошлаб МТИда дарс бера бошлайди. Р.Вайс астрофизика, гравитация ва лазерлардан фойдаланиш бўйича ўнлаб илмий ишлар муаллифидир.

Кип Торн 1940 йили АКШнинг Юта штатида туғилган. 1962 йили Калифорния технологик институтини (Калтех) битирган. Сўнгра у ҳам худди Райнер сингари Принстон университетиди ўқиган. Геометрияди (физик объектларни геометрик объектларга келтириш) бўйича диссертация ёқлаган. Астрофизика бўйича қатор назарий ва илмий ишлар муаллифи. Шуну қайд этиш лозимки, Кип нафақат умумий нисбийлик назарияси бўйича (хусусан, гра-

ҳасининг ташкилотчиси сифатида танилади.

Ўтган асрнинг 60-йиллари якунида бир-бирдан мушакил равишда Вайс ва Торн гравитацион тўлқинларни тутишга хизмат қилувчи обсерватория қуришга киришади. Ушбу оламшумул лойиҳа билан Вайс МТИда, Торн эса Калтехда алоҳида-алоҳида шуғулланади. Калтех ўқитувчиси Бэрриш эса кўпчилик лойиҳаларни ягона LIGOга умумлаштиради ва уни бошқаришни ўз зиммасига олади.

LIGO асосан АКШ лойиҳаси бўлиб, мамлакат Миллий илмий фонди томонидан молиялаштирилади. У 1980 йилда америкалик физиклар Кип Торн ва Рональд Драйвер таъинланган. Сўнгра у ҳам худди Райнер сингари Принстон университетиди ўқиган. Геометрияди (физик объектларни геометрик объектларга келтириш) бўйича диссертация ёқлаган. Астрофизика бўйича қатор назарий ва илмий ишлар муаллифи. Шуну қайд этиш лозимки, Кип нафақат умумий нисбийлик назарияси бўйича (хусусан, гра-

ҳасининг ташкилотчиси сифатида танилади.

Ўтган асрнинг 60-йиллари якунида бир-бирдан мушакил равишда Вайс ва Торн гравитацион тўлқинларни тутишга хизмат қилувчи обсерватория қуришга киришади. Ушбу оламшумул лойиҳа билан Вайс МТИда, Торн эса Калтехда алоҳида-алоҳида шуғулланади. Калтех ўқитувчиси Бэрриш эса кўпчилик лойиҳаларни ягона LIGOга умумлаштиради ва уни бошқаришни ўз зиммасига олади.

LIGO асосан АКШ лойиҳаси бўлиб, мамлакат Миллий илмий фонди томонидан молиялаштирилади. У 1980 йилда америкалик физиклар Кип Торн ва Рональд Драйвер таъинланган. Сўнгра у ҳам худди Райнер сингари Принстон университетиди ўқиган. Геометрияди (физик объектларни геометрик объектларга келтириш) бўйича диссертация ёқлаган. Астрофизика бўйича қатор назарий ва илмий ишлар муаллифи. Шуну қайд этиш лозимки, Кип нафақат умумий нисбийлик назарияси бўйича (хусусан, гра-

LIGO детекторини ривожлантиришга қўшган энг муҳим хиссаси ва гравитацион тўлқинлар кузатуви учун" лойиҳ қўрилди. Лауреатлар LIGO (лазерли-интерферометрик гравитацион тўлқинли обсерватория) асосчилари сифатида тарихга кирди ва айнан шу обсерватория гравитацион тўлқинлар борлигини тажриба орқали аниқлаш имконини берди.

Гравитацион космик тўлқинлар мавжуд экани тўғрисида 1916 йилдаёқ Альберт Эйнштейн умумий нисбийлик назариясига доир ишларида тўхталганди. LIGOда ишлаган олимлар буни тажриба орқали тасдиқлади. Гравитацион тўлқинлар — фазо-вақт тебранилари бўлиб, улар коинотда ўзгарувчан тезлашилми массив жисмларнинг


бу ўхшатишда фазо-вақтни намоён қилаётган эластик майдон ҳам тебрана бошлайди. Эластик майдонча сиртининг марказида ҳаракатланаётган зўлдирдан тўлқин тарқала бошлайди. Айнан улар гравитацион тўлқинларни аналогик ҳисобланади. Шундай қилиб, фазо-вақтга жойлаштирилган массив жисм унинг эгрланишига олиб келади. Хусусан, оғир объект ёнидан ўтаётган ёруғлик нурунинг траекторияси тўғри чизикдан оғади. Бу эффект тажрибада тасдиқланган.

LIGO обсерваториясиди гравитацион тўлқинлар детекторлари вакуумга жойлаштирилган ва атом ядроси ўлчамидан минг марта кичикроқ тўлқинларни сезади. Аслида LIGO икки бир-бирига ўхшаш детектордан ташкил қилинган гравитацион-тўлқин антеннадир. Уларнинг бири АКШнинг Луизиана штатидаги Ливингстонда, иккинчиси эса ундан 3002 км олисдаги Вашингтон штатидаги Ханфордда жойлашган. Объектлар орасидаги 3002 км масофани тўғри чизик бўйича ёруғлик тўлқини 10 мс да босиб ўтади.

Гравитацион тўлқин ҳам ёруғлик тезлиги билан тарқалади, дея фараз қилингани учун тўлқиннинг бир обсерваториядан иккинчисига ўтиш вақтининг ўзгариши ҳаракат йўналишини топишга ёрдам беради. Шу билан бирга, тўлқин манбасини аниқлашга ҳам ёрдамлашади. Америкалик олимлар ўзлари яратган детектор ёрдамида айнан шундай тўлқинларни бевосита "тутиш"ни биринчи бўлиб уйдalasган ҳам эътиборга лойик. Профессор Вайсинг қайд этишича, бу мукофот аслида мингга яқин олимлар, илмий ходим ва бошқа жонқуярларнинг 40 йиллик машаққатлари эътирофи, халқаро илмий жамятлар томонидан тан олинishiдир.

Интерферометрлар схемаси ва уларнинг АКШда жойлашуви

2015 йил 14 сентябрь. Эр-талаб Шимоллий Американинг шарқий худудларига оид ёнги вақт бўйича соат 05:51 да (Тошкент вақти билан соат 15:51 да) LIGO обсерваториясининг икки детектори гравитацион тўлқинларни қайд этди. Сигналлар келган пайтнинг ҳисобга олиб (Ливингстонда детектор ҳодисаси Ханфорддагига нисбатан етти миллисония олдин маълум бўлган), олимлар сигнал ман-




сонияларда, Куёшдан 62 мarta оғирроқ айланувчан гравитацион объект ўзгариши чоғида юзга келган тўлқинларни қайд этган. Сония улшуларида деярли уч қўш массаси гравитацион тўлқинга айланган бўлиб, нурулининг максимал қуввати бутун кўринувчан галактикадан келаятган қувватдан тахминан 50 марта кўлдир. Қора туйнукларнинг бирлашиши 1,3 миллиард йил илгари юз берган ва шунча вақт давомида гравитацион тебраниш Ергача етиб келган.

Икки детектордаги гравитацион тўлқин

Шуниси эътиборга моликки, бу билимларни амалда қўллаш йўлларини излаб топиш ҳам Торннинг илмий қизиқишлари доирасига кирди. Масалан, вақт ва фазо бўйича кўчишни олайлик. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бери Торн кўрт тешиги ёки "кўрсичқон уяси" деб аталувчи объектларнинг мавжудлиги эҳтимолини ўрганиб келмоқда. Улар фазодаги ўзига хос тоннель бўлиб, бир нуқтадан бошқасига бир лаҳзада кўчишга имкон бериши мумкин. Бундай "тоннеллар" мавжудлиги эҳтимоли тўғрисида аллақачон Эйнштейн ҳам ёзиб, улар асосида нисбийлик назариясининг бир қатор қондаларини тушунтирган. Бу назарияни ривожлантираётган Торн "кўрсичқон уяси" гипотезаси муаллифларидан бири ҳамдир. Торн замонавий технологик ривожланиш босқичида юлдузлараро парвоз қилиш имконини йўқлигини ўқтиради. У ўзининг сўнгги илмий рисоласида таъкидлаганидек: "XXI аср технологиялари билан биз бошқа юлдуз тизимларига бўлган масофани бир неча минг йилдан тезроқ босиб ўтишга қодир эмасми. Бизнинг юлдузлараро парвоз бўйича ягона умидимиз — кўрт тешиги ёки фазо-вақт эгрланишининг бошқа чегаравий шаклидир". Торннинг гравитацион тўлқинларни ўрганиш бўйича қўлга киритган муваффақиятлари бу масалага ечим топишда муҳим аҳамиятга эга.

Нобель кўмитаси ахборотида гравитацион тўлқинлар қайд этилиши галактикани



витація назарияси) дунёдаги энг асосий экспертлардан, балки фанни сайёраимиз бўйича кенг тарғиб қилаётган энг машҳур олимлардан бири ҳамдир.

Барри Бэрриш 1936 йили Небраскада туғилган. У гўдаклигида оиласи Калифорнияга кўчиб ўтади. Бу Баррининг тақдирига ҳам ўз таъсирини кўрсатади — шаҳардаги Беркли университетиди ўқийди. 1963 йилдан Калтехда ишлаб бошлайди. Унинг илмий қизиқишлари доирасига экспериментал юқори энергиялар физикаси кирди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан у магнит тўлқини ва бошқа тўлқинларни тутиш бўйича қурилмаларни яратиш билан қизиқиб қолади. 1994 йилда эса бирлашган LIGO (Laser Interferometric Gravitational Observatory) лойи-

2017-yil 25-oktabr, № 85 (9046)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ўз Уставининг 45- ва 49-бандларига биноан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академикликка) куйидаги фан соҳалари бўйича танлов эълон қилади:

ФАН СОҲАСИ	ЎРИНЛАР Сони
Физика-математика фанлари	5
Кимё фанлари	4
Биология фанлари	2
Геология-минералогия фанлари	1
Техника фанлари	5
Қишлоқ хўжалиги фанлари	2
Тарих фанлари	2
Иқтисодиёт фанлари	1
Философия фанлари	1
Филология фанлари	3
География фанлари	1
Юридик фанлар	1
Педагогика фанлари	1
Тиббиёт фанлари	5
Фармацевтика фанлари	1
Ветеринария фанлари	1
Санъатшунослик	1
Жами:	37

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Устави ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари)ни танлов асосида саралаш ва тасдиқлаш тартиби ҳақида Низом"га асосан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академикликка) номзодлар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши ва камида сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикасида доимий ишлаган бўлиши;
фан доктори илмий даражаси ва профессор илмий унвонига эга бўлиши;

илм-фаннинг муайян соҳасида илмий жамоатчилик томонидан тан олинган, фанни шахсан ўзи ёки илмий ва илмий-техник муаммолар бўйича жамоа бўлиб ишлашда фаол иштирок этиш асосида эришган шахсий ютуқлари ҳамда салмоқли илмий натижалари билан бойитган олим бўлиши;

ўз йўналишида янги илмий мактаб ташкилотчиси ва раҳбари ёки мавжуд илмий мактабнинг ривожига бе-

восита иштирок этган бўлиши ва бу унинг фан номзодлари ёки фалсафа докторлари ҳамда камида икки фан доктори (тиббиёт фанлари учун — камида уч фан доктори) тайёрлаши билан тасдиқланган бўлиши;

зорий этилган ишланмаларга эгаллиги ёки у раҳбарлик қилаётган ходимлар жамоаси эришган фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилишида ҳамда амалиётда фойдаланилишида бевосита иштирок этган бўлиши;

фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларнинг илмий раҳбари эканлиги ёки сўнгги йилларда шу йўналишдаги илмий лойиҳаларга раҳбарликни амалга оширган бўлиши;

халқаро илмий ҳамкорликдаги халқаро илмий лойиҳаларда илмий раҳбар бўлиши ёки уларнинг бажарилишида иштирок этиши.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Уставининг 51-бандига биноан Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодларни илгари суриш ҳуқуқи Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари (академиклари)га уларнинг илмий мутахассисликларига тегишли ихтисосликлар бўйича, шунингдек, илмий-тад-

қиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий-техник кенгашларига берилади.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодларни дастлабки саралаш илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан тегишли илмий ёки илмий-техник кенгашлар йиғилишларида очик овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ваколатга эга қворум — тегишли кенгаш рўйхатга кирган аъзолари таркибининг мажлисида иштирок этаётган камида 75 фоизи мавжуд бўлганда овоз беришда иштирок этган илмий ёки илмий-техник кенгаш аъзолари камида учдан икки қисмининг овозини тўплаган талабгорлар Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар ҳисобланадилар.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар кўрсатган илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилган кундан бошлаб кечи билан 30 кун мобайнида Фанлар академиясига Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодларнинг илмий ва илмий-ташқиллий фаолиятини тавсифловчи ҳужжатларни рўйхатга олиш учун тақдим этадилар.

Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари раҳбарлари Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзодлар кўрсатиш жараёнининг ҳолислиги ва тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун шахсан жавобгардирлар.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзод кўрсатиш учун тақдимномага куйидагилар (2 нусхада) илова қилинади:

илмий ташкилотнинг номзоднинг танлов талаблари ва мезонларига жавоб бериши ҳақидаги асосланган ҳулосаси, очик овоз бериш натижалари ҳамда танлов мезонларининг қоғоз ва электрон шаклда тўлдирилган ва тасдиқланган шакли (танлов мезонлари шакли Фанлар академиясининг веб-сайтида жойлаштирилади);

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзоднинг таржимаи ҳоли;

ҳодимларни ҳисобга олиш бўйича сурати ёпиштирилган шахсий варақа ҳамда маълумотнома-объективка;

иш жойидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг нусхаси ёки Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзоднинг камида сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;
фан доктори дипломи ва профессор аттестати нусхалари;

илмий ишлар рўйхати (конференция тезислари бу ҳисобга қирмайди) ва нолга тенг бўлмаган импакт-факторли («Web of Science» халқаро маълумотлар базасига мувофиқ) хорижий нашрлардаги мақолаларнинг нусхаси; хорижий патентларнинг нусхалари (агар мавжуд бўлса);

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзод томонидан тайёрланган фан номзодлари ва фалсафа докторлари рўйхати (авторрефератларни илова қилган ҳолда);

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзод томонидан тайёрланган фан докторлари рўйхати (авторрефератларни илова қилган ҳолда);

юқорида келтирилган талабларга мувофиқ, Фанлар академияси ҳақиқий аъзолиги (академиклиги)га номзод томонидан фаннинг муайян соҳаси ривожига қўшилган ҳисса, фаннинг шахсий илмий ютуқлари ва халқаро аҳамиятга молик натижалар билан бойитилганлиги, шунингдек, унинг илмий-ташқиллий фаолияти ҳақидаги давлат ва рус тилларидаги қисқача маълумотнома (кўпи билан 1 бет, сатр баландлиги 12 пт, Times New Roman шрифтида);

паспорт нусхаси ва 4x6 см ўлчамдаги 8 та фотосурат.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига (академик) номзоднинг ҳар бир нусха ҳужжатлари алоҳида ҳилда жойланади. Жилднинг муқовасида номзоднинг фамилияси ва исми-шарифи, номзод илгари суриллаётган фан соҳаси ҳамда уни илгари сураётган илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасасининг тўлиқ номи ёки тавсия этаётган академикнинг исми-шарифи ва ихтисослиги кўрсатилади.

Номзоднинг ҳужжатлари куйидаги манзилга юборилади:

100047, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Я.Фулмолов кўчаси, 70, 322-хона, тел.: (0-371) 233-59-46.

Авазов Сардоржон Эркин ўғлининг 06.01.09—Ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича «Пиёз ўсимликларида замбуруғ турлари кўзгатадиган асосий касалликлар ва уларга қарши кураш чоралари (Тошкент вилояти мисолида)» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Qx.13.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 3 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети. Тел/факс: (0-371) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz.

Тухтаманзаров Дилмурод Солижоновичнинг 05.01.02 — Тизимли тахлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш ихтисослиги бўйича «Нефть конларини бошқаришда параметрларни баҳорат қилишнинг компьютер моделлари» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. T.07.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 30 октябрь кuni соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзили: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 108-уй. Тел/факс: (0-371) 238-64-43, 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz.

Носиров Хабибулло Хикматулло ўғлининг 05.04.02 — Радиотехника, радионавигация, радиолокация ва телевидение тизимлари ва қурилмалари. Мобиль, тола-оптик алоқа тизимлари ихтисослиги бўйича «Телевизион дастурларнинг медиа контентини сиқилининг юқори самарали тизимлари, сифатини баҳолаш ва уларни такомиллаштириш услублари» мавзусидаги (техника фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. T.07.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 30 октябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзили: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 108-уй. Тел/факс: (0-371) 238-64-43, 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz.

Ювмитов Анвар Сайфуллаевичнинг 05.09.01 — Қуриш конструкциялари бинолар ва ишшоотлар ихтисослиги бўйича «Замин билан пойдеворлар орасидаги эластик-қовушқоқ-пластик ўзаро таъсир хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда демпфер билан уланган ёлма-ён биноларнинг зилзилабардошлиги» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. T.11.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, ТАКИ катта мажлислар зали. Тел/факс: (0-371) 241-10-84, 241-80-00; e-mail: taqi_atm@edu.uz.

Гулямов Абдураул Гафуровичнинг 01.04.10 — Яримўтказгичлар физикаси ихтисослиги бўйича “Яримўтказгичли структураларнинг динамик характеристикаларига деформация ва кучли электромагнит майдоннинг таъсири” мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси ЎЗР ФА Физика-техника институти, Ион плазма ва лазер технологиялари институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-“Б” уй. Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: lutp@uzsci.net.

Халманов Ақтам Тошқуватовичнинг 01.04.05 — Оптика ихтисослиги бўйича “Моддаларнинг турли фазовий ҳолатларида ўт-ракчик концентрацияли атомларнинг ўта сезgir лазер спектроскопияси” мавзусидаги (физика-математика фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси ЎЗР ФА Физика-техника институти, Ион плазма ва лазер технологиялари институти ва Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.FM/T.34.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100084, Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 2-“Б” уй. Тел/факс: (0-371) 235-42-91; e-mail: lutp@uzsci.net.

Толибов Дилшод Сирожовичнинг 14.00.13 — Неврология ихтисослиги бўйича “Альцгеймер касаллиги эрта шаклларидаги таъхисотиға ёндашишни оптималлаштириш: клиник-нейровизуализациядан параллеллар” мавзусидаги (тиббийёт фанлари бўйича) фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 4 ноябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (0-371) 268-17-44; e-mail: info@tirpe.uz.

Матмуродов Рустамбек Жуманазаровичнинг 14.00.13 — Неврология ихтисослиги бўйича “Экстрапирамидал касалликларни эрта аниқлашда янги ёндашувлар ва дифференциал даволаш тактикаси тамойиллари” мавзусидаги (тиббийёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 4 ноябрь кuni соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (0-371) 268-17-44; e-mail: info@tirpe.uz.

Мустафакулов Шерзод Исамбердиевичнинг 08.00.02 — Макроиктисодиёт, 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисосликлари бўйича “Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги (иқтисодиёт фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй. Тел/факс: (0-371) 237-53-25, 237-54-01; e-mail: info@bfa.uz.

Тулаганова Мухайё Кутумбековичнинг 09.00.03 — Фалсафа тарихи ихтисослиги бўйича “Абу Наер Форобийнинг диалектика ҳақидаги таълимоти замонавий аргументлаш назарияси талқинида” (фалсафа фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети, Ижтимоий фанлар факультети, 117-хона. Тел/факс: (0-371) 227-12-24, 246-53-21, 246-02-24; e-mail: rector@pnu.uz.

Хасанов Нодирхон Дадахановичнинг 10.00.02 — Ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича “Ясавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат” мавзусидаги (филология фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 6 ноябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз торкўчаси, 5-уй. Тел/факс: (0-371) 233-36-50; e-mail: uztafi@akademy.uz.

Хайтбаева Нодира Сейтжановичнинг 06.01.09 — Ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича “Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган тупроқларида бугдойнинг фузариоз касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети. Тел/факс: (0-371) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz.

Абдуллаева Хуриятхон Зафарбековичнинг 06.01.09 — Ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича “Ўза, унинг асосий зараркунанда-си (Helicoverpa armigera Hb—Ўза тунлами) ҳолатини прогноллаш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш” (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалиги институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети. Тел/факс: (0-371) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz.

Эсанбеков Мейржан Юсупбековичнинг 06.01.02 — “Мелиорация ва суғурма деҳқончилик” ихтисослиги бўйича “Ирригация эрозиясида мойил бўлган тупроқларда кўзани суғуриш технологияси элементлари такомиллаштириш” (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-36; факс: (0-371) 150-61-37; e-mail: g.selek@qxsxv.uz, paxtauz@mail.ru.

Бобомирзаев Пирназар Хурсановичнинг 06.01.08 — Ўсимликшунослик ихтисослиги бўйича “Ўзбекистоннинг жанубий минтақасида қаттиқ бугдой етиштириш технологиясини мақбуллаштириш” (қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича) мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 13:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-36; факс: (0-371) 150-61-37; e-mail: g.selek@qxsxv.uz, paxtauz@mail.ru.

Ниёзов Хаким Бакоевичнинг 16.00.02 — Ҳайвонлар патологияси, онкологияси ва морфологияси. Ветеринария акушерлиги ва ҳайвонлар репродукцияси биотехникаси ихтисослиги бўйича “Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида оёқларнинг дистал қисми артропатияси” мавзусидаги (ветеринария фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/V.12.02 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел/факс: (0-366) 234-33-20, 234-07-86; e-mail: saiinfo@edu.uz.

Эшбурiev Собир Бахтиёровичнинг 16.00.01 — Ҳайвонлар касалликлари диагностикаси, терапияси ва хирургияси ихтисослиги бўйича “Махсуддор сигирларда витамин-минерал алмашинуви бузилишларининг этиологияси ва профилактикаси” мавзусидаги (ветеринария фанлари бўйича) докторлик (DSc) диссертациясининг ҳимояси Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Qx/V.12.02 рақамли илмий кенгаининг 2017 йил 31 октябрь кuni соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади.

Манзила: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-уй. Тел/факс: (0-366) 234-33-20, 234-07-86; e-mail: saiinfo@edu.uz.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Иқтисодиёт факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти
Ирода СОДИҚОВАнинг
вафоти муносабати билан яқинлари ва оила аъзоларига таъзия билдиради.

2017-yil 25-oktabr, № 85 (9046)

Мактаб спорт майдончаси

талабга жавоб берадими?

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида жойлашган 47-умумий ўрта таълим мактаби 315 ўринга мўлжалланган. Бироқ унда қишлоқнинг узоқ-яқинидан жами 438 нафар ўғил-қиз билан олади. Дарслар икки сменада ташқил этилган. Мактабга киришингиз билан анвойи гулларнинг хушманзараси кўзга ташланади.

Тоza ва озода ҳовли, йўлаклар дилни яйратади. Мазкур мактаб Зангиота туманидаги 77 та илм маскани ичида "Энг обод таълим муассасаси" дея эътироф этилган. Қолаверса, очилганига ҳали 7 йил ҳам бўлмаган таълим муассасасида тартиб-интизом яхши йўлга қўйилган, ўқувчиларнинг ораста-озодалиги, давомати кўнгилдагидек.

Буларнинг барчаси таълим муассасаси жамоаси ҳақида дастлабки тасавурлар ижобий бўлишини таъминлайди. Айниқса, жонқуяр мураббийлар Омон Зокиров, Ҳилола Ҳасанова, Дурдона Ҳамидова ва Баҳодир Назаров жисмоний тарбия дарси ва спорт тўғрисида фаолиятини намунали олиб бораётгани кишини қувонтиради. Мактабда кам таъминланган оила фарзандлари учун бепул тўғрақлар фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган.

Икки-уч нафар ўқувчига эргашиб, спорт залига кириб бордик. Мактаб спорт залида шуғулланиш учун шароит ёмон эмас. Ўтган йили қайта таъмирланган залда зарурий техник анжомлар: гимнастика эшаги, тортиш учун арқон, гимнастика нарвони, баскетбол ҳалқалари, футбол дарвозаси, волейбол тўлини, гимнастика йўлакчаси бор.

Бироқ ювиниш хоналари талаб даражасида эмас. Оддийгина канализация тизими ҳам йўқ. Шунинг учун янги қурилганга қарамай, ювиниш хоналарида на қўлни ювиб ва на чайини бўлади. Машгулотда терлаган ўқувчилар навбатдаги дарсга кириш учун ювиниш олгани маъқул эмасми? Мактабнинг ташқи ҳовлисида қуруқ тупроқ «тўшамаси»дан иборат футбол майдони бор. Гўёки хижолат тортиб турган иккита устун тўптепарлар учун дарвоза вазифини ўтайди. Тупроқлар уюми ёғингарчилик кунлари қай ҳолатга тушишини айтмасиз ҳам бўлади.

— Мактабимизнинг энг оғриқли масалаларидан бири ана шу бўш турган футбол майдони, — дейди мактаб директори Вазира Сулаймонова. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалига ҳам бир неча бор хат билан мурожаат қилдик. Афсуски, ҳозиргача бирор тайинли жавоб келмади. Қани энди, мана шу бўш турган майдонда ўқувчиларимиз шуғулланиши учун шароит яра-

тилса, қўшимча техник воситалар билан таъминланса, нур устига нур бўларди. Майдон сунъий чим билан қопланиб, атрофи тўсилса... Бироқ ҳаммаси моддий маблаққа бориб тақалади.

Спорт инвентарлари дарсда фойдаланиш учун асосий восита саналади. Лекин мактабда фойдаланишга яроқли инвентарлардан фақат баскетбол тўли қолибди. Гандбол, футбол, волейбол тўплари эскирганидан пуччайиб қолган...

Бир четда туриб мураббийнинг дарсини кузата бошладим. 7-«Б» синф ўқувчиларининг дарси бошланди. Дастлаб болалар саф тортишди. Мураббий давомаат қилиб олгач, чигилёзди машгулотларига старт берди.

Dars kuzatuv

Болалар спорт зали бўйлаб 5 марта югурган, энгил гимнастика машқларини бажарди. Мураббий бош ва елкаларда бажариладиган гимнастика машқларини ўзи кўрсатиб берди. Болалар эса унинг ҳаракатларини такрорлади. Шу зайл бирма-бир ўқувчилар бир қанча умумривожлантирувчи машқларни бажаришди.

Эътиборлиси, ўқувчиларнинг ҳаммаси дарсда спорт формасида қатнашапти. Демак, болалар жисмоний тарбия дарсини яхши кўради. Машқлар тугади. Энди навбат "Ким эпчилу, ким чаққон?" ўйинига берилди. Ўқувчилар эстафетали югуриш, доира бўйлаб югуриш, арғамчида сакраб югуриш, ўтириб югуриш каби шартлар бўйича ўзаро баҳслашди. Болалар ҳаракатли ўйинларни юқори кайфиятда бажарди.

Дарснинг назарий қисмида ўқитувчи баскетболнинг келиб чиқиш тарихи, машҳур спортчилар, ўйин қоидалари ҳақида ўқувчиларга гапириб берди. Сўнгра амалий машгулотларга киришиб, тўпни ҳалқага тўғри ташлаш сирларини ўқувчиларга кўрсатиб берди. Ҳар гуруҳ бўлиб сафланган эпчил ва чаққон ўғил-қизлар тўпни ерга уриб келиб ҳалқага ташлади. Кимдир бир уринишдаёқ тўпни саваатга туширганидан хурсанд, бошқаси эса баскетбол техникасини ҳали яхши ўзлаштириши кераклигини тушунди.

Фурсатдан фойдаланиб мураббийни суҳбатга тортидик.

— Жисмоний тарбия дарси болаларнинг жони-дили, — дейди шогирдлари ҳаракатини кузатиб турган ўқитувчи Омон Зокиров. — Кўнгирак чалиниши билан ўқувчилар залга югуриб келади. Бошланғич синфларда жисмоний тарбия дарси ҳафтада икки марта 2 соатдан ўтилади. 1—4-синфларда дарслар "Ким чаққон?", "Оқ тераким, кўк терак?", "Эстафетали югуриш" "Мушук ва сичқон" каби ҳаракатли ўйинлар орқали ўтилади. Ҳар бир дарснинг сафлашидан

бошлаймиз. Саломлашгандан кейин болаларнинг тирноғини текшираман. Жисмонан соғлом бўлиш учун аввало танани тоза тутиш зарур. Бу тушунчани болаларнинг онгига сингдириш керак. Умумривожлантирувчи машқлар орқали танани қиздириб, кейин дарс мавзусини тушунтиришга ўтаман. Масалан, бошланғич синфларда ҳаракатли ўйинлардан самарали фойдаланаман. Чунки кичик ёшдаги болаларни фаол жисмоний машқлар билан шуғуллантириш, уларни чинқитиришга ёрдам беради. Одатда, болаларни икки гуруҳга ажратиб, эстафетали ўйинлардан ўйнатаман. Баъзида дарсга шундай шўнғиб кетаманки, ўзим ҳам болага айланаман.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси дарсига режа тузаётганда, албатта, дарслиқдан фойдаланиши керак. Боиси дарслиқда белгилаб қўйилган нормативлар ўқувчиларнинг жисмоний имкониятлари, аниқроғи, амалда қайд этиш мумкин бўлган кўрсаткичига ҳамоҳанг. Дарслиқ асосида таълим олган ўқувчилар жисмоний тайёргарлик бўйича давлат таълим стандарти талабларига бемалол жавоб беради.

Спорт тўғрисида эса ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда. Ахир бир дарснинг ўзида болани спортга қизиқтириб бўлмайди. Шу боис ҳафтада икки марта бадиий гимнастика, ўзбек жанг санъати, футбол, баскетбол тўғрисидаги машгулот ўтказилмоқда. Улар орасида ўзбек жанг санъати тўғрисидаги қамрови кенгрок. Қишлоқнинг узоқ-яқинидан 30 дан ортиқ ўғил-қиз айна шу спорт тури билан шуғулланмоқда.

— Қизларнинг қад-қомати эгилувчан ва чиройли бўлиши учун бадиий гимнастика билан шуғулланиш самаралидир, — дейди тўғрақ раҳбари Дурдона Ҳамидова. — Ҳозир 20 дан ортиқ қиз бадиий гимнастика билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг нозик ҳаракатларини тасма, ҳалқа, тўп ва булава каби элементларда меҳр билан бажаришгаётганини кўриб, ҳавасим келади. Мухими, қизлар спортни жуда яхши кўради, мусобақалар жони-дили. Ҳозир "Умид нихолари" спорт мусобақаларининг туман босқичида иштирок этадиган жамоани шакллантиряймиз. Уларнинг аксарияти жорий йил сентябрда ўтказилган туман очик чемпионатида фахрли 1-, 2-ўринни қўлга киритган шогирдларимдир.

...Дарс тугади. Ҳа, мазкур мактабда жисмоний тарбия фани бўйича 1 соатлик дарсни кузата туриб, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонқуярлигига, ўз касбининг севишига амин бўлдик. Улар дарсларни икки шихоат, ғайрат ва меҳр билан ўтишга интилади. Бор имкониятларини ишга солади. Бу эса, шубҳасиз, ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши, жисмонан ва маънан баркамол инсонлар бўлиб улғайишига хизмат қилади.

Одина ҚУЛМУРОВА,
"Ma'rifat" муҳбири



«ЭНГ ЯХШИ»ЛАР АНИҚЛАНДИ

ФИФА ташкилотининг Лондон шаҳрида бўлиб ўтган мавсум аяқларига бағишланган маросимда "The Best FIFA Football Awards 2017" соврини ўз эгаларига топширилди, дея хабар берди «Лента».



Унга кўра, «Йилнинг энг яхши футболчиси» соврини Криштиану Роналдуга берилди. «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб Зайниддин Зидан ("Реал") топилди. «Йилнинг энг яхши дарвозабони» аталган соврин Жанлужи Буффон («Ювентус»)га, «Йилнинг энг яхши аёл футболчиси» мукофоти Дейна Кастельянос(Венесуэла)га берилди. Шунингдек, «Мавсумнинг энг чиройли голи» муаллифи сифатида Оливье Жиру («Арсенал») эътироф этилди.

Яқунда ФИФА талқини бўйича ўтган мавсумнинг рамзий терма жамоаси эълон қилиниб, ҳар бир ўйинчи тақдирланди: дарвозабон — Жанлужи Буффон; ҳимоячилар — Дани Алвес («Ювентус»/ПСЖ), Серхио Рамос, Марсело («Реал»), Леонардо Бонуччи («Ювентус»/«Милан»); ярим ҳимоячилар — Тони Кроос, Лука Модрич («Реал»), Андрес Иньеста («Барселона»); ҳужумчилар — Лионел Месси («Барселона»), Криштиану Роналду («Реал»), Неймар («Барселона»/ПСЖ).

Ушбу тадбирдан бир кун олдин Европанинг энг яхши ёш футболчиси учун аталган «Тилла бола» (Golden Boy) соврини ҳам ўз соҳибини топди. У «Пари Сен-Жермен» вакили 18 ёшли Килиан Мбаппега берилди.

ЧЕГАРАДАН ЧИҚҚАНГА ЖАРИМА

«Формула-1» таснифидаги автомобиллар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатининг АКШ Гран-приси учун кечган пойгада британилик спортчи Льюис Хэмилтон («Мерседес») зафар кучди.

«ТАСС»да келтирилишича, ундан кейинги ўрин «Феррари»нинг немис пойгачиси Себастьян Феттельга насиб қилди. Учинчи ўрин эса «Ред Булл» жамоасининг голландиялик вакили Макс Ферстаппенга берилиши лозим эди, бироқ қувиб ўтишда таққиланган чизикни босгани учун ундан жарима тариқасида 5 сония олиб ташланди. Натжидада 3-ўрин «Феррари»нинг финляндиялик пойгачиси Кими Райкконенга олиб берилди. Айни пайтда Л.Хэмилтон умумжи-собда етакчилик (331 очко) қилмоқда. Ундан кейинги логонларда С.Феттель (265) ва Валттери Боттас (244) бормоқда.

Чемпионатнинг галдаги босқичи 26—29 октябрда Мексикада ўтказилади.

22 ЙИЛЛИК ОРЗУ

Италиялик атлет Эйоб Фаниэль Венеция марафонинда мўъжизавий тарзда галаба қозонди, дея ёзмоқда «AP» агентлиги муҳбири.

Гап шундаки, у ўзидан олдин келётган 6 нафар марафончи адашиб, бошқа йўлдан кетиб қолганидан фойдаланган ва маррага биринчи бўлиб етиб келган. Йўлбошловчи мотоциклга эргашиб, 25 километрни босиб ўтган етакчилар маррага бир неча дақиқалар қолганида адашиб кетган ва бир неча 100 метрга асосий йўлдан йироқлашган. Натжидада Эйобдан 2 дақиқа кеничик «манзил»га етиб келди.

ЯКУНИЙ ТУРНИР БОШЛАНДИ

Сингапурда старт олган Хотин-қизлар теннис ассоциацияси(WTA)нинг яқуний турнирида испаниялик Гарбинье Мугуруса латвиялик Елена Остапенко-ни мағлуб этгани ҳақида «ТАСС»да ёзилди.





Ютуқ жамғармаси 7 млн долларга тенг турнирда Гарбинье рақибасини 6:3, 6:4 ҳисобида етди.

WTАнинг яқуний турнирлари 1972 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинади. Унда Мартина Навратилова 8 марта, Серена Уильямс ва Штеффи Граф 5 мартадан галаба қозонган.

Сингапурдаги турнир 29 октябрда аяқланади.

3.ХОЛОВ тайёради.



Тарих тухфасини қандай асраяпмиз?!



(Давоми. Боши 11-бетда.)

«Калтаминор узун ўй сура»

Хивадаги обидалар ичида мен учун энг гўзали ва мукаммали Кал-

таминор. У менга инсоннинг армонга айланган орзу-умидлари рамзи, ярим йўлда қолган қарвон кўшиги бўлиб туюлаверади. Ярим минор — ярим кўнгил. Бироқ негадир унга қараган одамнинг кўнгли кўтарилади, ғаму ташвиши арийди. У одамларни энг кўп ўйлантирадиган,



қурилиши давом этишга ҳам, таъмирга ҳам муҳтож бўлмаган, кўпгина сирлар, жумбоқларни ўзида жамлаган гаройиб обида. Бир саволга жавоб ахтарсанг, жавоб ўрнига яна савол туғилади. Бу номукамалликда шундай бир мукамаллик зоҳир.

Калтаминорни бугун ҳеч ким безовта қилмайди. Билъакс, у ҳаммани безовта қилиб, ўз умри ва орзулари ҳақида ўйлашга undaydi. Ҳазораспик шоир Шокир Бек ёзган шеърни ўқий туриб, маданий ва маънавий бойликларимиз,

хусусан, Калтаминорга бўлган муҳаббатимиз янада жонланади: Калтаминор узун ўй сура, Ҳайрат аро тош қотган вужуд. У билади, у яхши билар, Фақат хаёл билмагай худуд. ...Ва сайёҳнинг кўзин ўйнатиб, Рақсга туша бошлайди ранглар. Меъмор айтган чала кўшиқнинг Давомидай фишлар жаранглар. Фишларда бир ёлғон яширин, Фишларда бир ҳақиқат ошкор. Ҳар ажнабий обкетаверар, Қайтаверар Ватанга минор.

Махмуд РАЖАБОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Ma'rifat

ТА'СИС
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Husan NISHONOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. F-1015. Tiraj 33095.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotihiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2010-6416



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.53 Topshirildi — 23.35

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Oybuvi OCHILOVA.
Navbatchi:
Faxriddin RAHIMOV.